Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 25-yanvar, shanba | № 8 (7513)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ISPANIYA QIROLLIGIGA DAVLAT TASHRIFIGA DOIR

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Ispaniya Qiroli Xuan Karlos Birinchining taklifiga binoan 2003 yil 27-29 yanvar kunlari davlat tashrifi bilan Ispaniya Qirolligida bo'ladi.

Tashrif chog'ida o'zaro munosabatlarning hozirgi ahvoli va istiqboldagi taraqqiyoti, tomonlarni qiziqtirgan xalqaro muammolar muhokama etilishi, shuningdek, qator ikki tomonlama hujjatlar imzolanishi kutilmoqda.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 24 yanvar kuni Oqsaroyda AQSH davlat kotibining Yevropa va Yevroosiyo ishlari bo'yicha o'rinbosari Elizabet Jonsni qabul qildi.

Uchrashuvda O'zbekiston bilan AQSH o'rtasida har tomonlama hamkorlikni kengaytirish, mintaqaviy xavfsizlikni ta'minlash, Afg'onistondagi tiklanish jarayoni, xalqaro maydondagi vaziyat va tomonlarni qiziqtirgan boshqa masalalar yuzasidan fikr almashildi.

TAQDIMOT

Poytaxtimizdagi «Sheraton» mehmonxonasida YUNFPAning (BMTning Aholishunoslik jamg'armasi) «2002 yilda jahon aholishunosligi» hisobotining taqdimotiga bag'ishlangan matbuot anjumani bo'lib o'tdi. Marosimga jurnalistlardan tashqari respublikamiz vazirlik va idoralari, jamoat birlashmalari, shuningdek, yurtimizda faoliyat ko'rsatayotgan xalqaro tashkilotlar vakillari taklif etildi.

ЎҚУВЧИ ТАНАФФУСНИ КУТМАГАН ДАРС

"Йил ўқитувчиси — 2002" Республика кўрик-танловида Наманган вилояти вакиласи Раъно Исоқованинг дарси нафақат ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди, балки ўқувчилар қалбида ҳам узоқ муддат сақланиб қоладиган бўлди.

(Дарс тафсилотлари билан 3-бетда танишишингиз мумкин).

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҒОЛИБ ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИНИ ҚУТЛАДИ

Ҳиндистонда Шанкар Халқаро болалар мусобақаси ташкилотининг 2002 йилги мусобақалари якуни эълон қилинди.

Жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатида истиқомат қиладиган мактаб ўқувчилари чизган расмлари ва ёзган иншолари билан ушбу мусобақада иштирок этдилар. Мусобақа ҳайъати 160 мингта ана шундай ижод намунаси билан танишиб чиқди. Унинг натижаларига кўра, 1076 нафар иштирокчи ушбу мусобақанинг турли мукофотлари соҳиби бўлишди.

Улар орасида 16 нафар ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси ҳам бор. Юртдошларимизнинг ўн беш нафари чизган расмлари учун ғолиблар рўйҳатидан жой олиб, мазкур мусобақанинг кумуш медаллари ва ёрлиқларига сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, 2000 йилда ўн уч нафар, 2001 йилда эса ўн нафар ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси ушбу мусобақада ғолиб деб топилиб, танловнинг олтин ва кумуш медаллари совриндорлари бўлишган эди. Бу йил ҳам юртдошларимиз ижодига мансуб иншо ва суратлар "Шанкар болалар санъати намуналари" журналининг 53-нашри саҳифаларидан жой олди.

Яқинда Деҳлидаги муҳташам FICCI Auditorium маданият саройида Шанкар Халқаро болалар мусобақасининг 2002 йил ғолибларига мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Ҳиндистон Республикасининг президенти Абдул Калам топширди. Ўзбекистонлик ғолиб ўқувчиларнинг мукофотларини мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси И. Мавлонов тантанали равишда қабул қилиб олди ва Ҳиндистон президентига миннатдорлик билдирди.

Шанкар Халқаро болалар мусобақаси ўзига хос тарихга эга. 1949 йили Шанкар ўзининг Ҳиндистонда чоп этиладиган "Шанкар ҳафтаномаси" номли нашри орқали ёшларга кутилмаган совға сифатида пойтахтда расм чизиш ва иншо ёзиш бўйича болалар мусобақаси ўтказилишини эълон қилди. Унда беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган минг нафар бола қатнашди. Сўнгра ушбу мусобақа дунёнинг барча мамлакатлари болалари учун очиқ, деб эълон қилинди. Шу тариқа Шанкар Халқаро болалар мусобақаси дунё узра тилга тушди. Ушбу халқаро ташкилот, мана, 53 йилдирки жаҳон болалари учун севимли бўлиб қолган мусобақаларни ўтказиб келади.

Шуҳрат УМИРОВ,
"Жаҳон" АА, Деҳли.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРГА ҲАМ ЭЪТИБОР БЕРИЛДИ 2-бет

ҲАР БИР МАКТАБДА ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА 4-бет

ФОТОРАССОМ, ФОТООБЪЕКТИВ ВА ҚАЛБ КЎЗИ 5-бет

ТАЪЛИМДА УЗВИЙЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ 6-бет

БИЛИМ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ? 7-бет

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ КИМНИКИ? 8-бет

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ: *кузатувлар натижаси қандай бўлди?* 8-9-бетлар

СУВДАГИ СИРЛАР 13-бет

ДИЛЛАРГА ШОДЛИК БАҒИШЛАБ 15-бет

"МАШҲУРЛАР" КРОССВОРДИ 16-бет

Тадбир якунига кўра, биринчи ўринга 4 та милиция таянч пунктлари муносиб кўрилди ва уларнинг ҳар бирига "Тико" автомашинаси мукофотга берилди.

ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРГА ҲАМ ЭЪТИБОР БЕРИЛДИ

"Туркистон" саройида ички ишлар идораларининг халққа энг яқини ҳисобланган профилактика инспекторларининг элимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш борасида маҳалладаги жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларининг сарҳисобига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, республика Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ижодий ва жамоат уюшмаларининг намунали милиция таянч пунктлари ўртасида республика конкурс кўргазмасини ўтказиш тўғрисидаги қўшма қарори асосида ташкил этилди.

Бу жараён уч босқичда туманлар, вилоятлар ва Республика миқёсида ўтказилди. Тадбир якунига кўра, биринчи ўринга 4 та милиция таянч пунктлари муносиб кўрилди ва уларнинг ҳар бирига "Тико" автомашинаси мукофотга берилди. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани "Феруза" маҳалласидаги 75-сонли милиция таянч пункти ғолиб бўлди. Мукофотни Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов топширди.

Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича ғолиблик Самарқанд вилояти Темирйўл тумани "Тонг" маҳалласидаги 46-сонли милиция таянч пунктига насиб этди. Ғолибга "Тико" автомашинасини Ички ишлар вазирининг ўринбосари Бахтиёр Субанов топширди.

Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича ғолибликни Наманган вилояти "Давлатобод" тумани "Тўқувчи" маҳалласидаги 3-сонли милиция таянч пункти қўлга киритди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари бўйича сараланганлар орасидан Қорақалпоғистон вакили Тўрткўл тумани "Гулистон" маҳалласидаги 1-сонли милиция таянч пункти муносиб кўрилди.

Иккинчи ўринни Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани "Ғазовот" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 97-сонли милиция таянч пункти қўлга киритди.

Учинчи ўринни эса Тошкент вилояти Бўка тумани "Жағалбой" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 94-сонли милиция таянч пункти эгаллади. Ушбу номинация учун Халқ таълими вазирлиги томонидан қўйилган компьютер тўпламини Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев топширди.

Шунингдек, тадбирда энг фаол инспектор, энг обод ва осойишта маҳалла оқсоқоли, посбонлар сардори, энг фаол педагог-тарбиячи, энг фаол хотин-қизлар комиссияси раиси ва энг фаол вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди ва уларга қимматбаҳо совға — телевизорлар топширилди.

Республикамизнинг чегара ҳудудларида барпо этилган милиция таянч пунктлари жойлашув тарихи чизилган хариталар, жиноятчиликнинг аҳволи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида эришилган натижаларни ифодаловчи диаграммалар, маҳаллаларга келиб-кетувчи фуқароларни кузатиш мақсадида ўрнатиладиган монитор ва видеокамералардан иборат замонавий техника воситаларини намойиш этувчи бурчакни ҳамда фуқароларни терроризм хавфидан огоҳ этувчи плакатларни қизиқиш билан томоша килдилар.

Тадбир сўнгида қатнашчиларни санъат усталари ва ижрочи ёшлар куй ва қўшиқлари билан хушнуд этишди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ

МАВЗУЛАР РАНГ-БАРАНГДИР

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида "Етук мутахассисларни тайёрлашда замонавий педагогик технология ва интерактив усулларнинг самарадорлиги" мавзусидаги 2-илмий-услубий анжуман ўқитувчиларнинг тажриба алмашиб, ўз методик базаларини бойитишлари учун ўз ҳиссасини қўшди, деб ўйлаймиз. Институт ўқитувчиси профессор О.Шоматовнинг "Магистратура босқичи ўқув жараёнида инновацион "дидактик пирамида"нинг мувофиқлиги", доцент Х.Фаязованинг "Дарсга тайёргарлик: дидактик таҳлил модели", доцент Н.Ашихминанинг "Араб тилидаги матнларни ўқишда педагогик технологиялардан фойдаланиш", А.Жалиловнинг "Ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлаш", Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети катта ўқитувчиси М.Абдураҳмонованинг "Компьютер ёрдамида дарс презентацияларини яратиш ва улардан фойдаланиш" мавзусидаги маърузалари, унда намойиш этилган слайдлар анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Кўриниб турганидек, маърузалар турли фанларга, турлича мутахассисликларга алоқадор бўлиб, улар технологик жараённинг уч босқичи: лойиҳалаш, бажариш ва баҳолашга доир муаммоларни ўз ичига олади. Маъруза мавзулари соҳалар бўйича фарқланса-да, улар ягона мақсад — талабаларнинг дарс жараёнидаги фаоллигини ошириш, мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, малакали мутахассис бўлиб етишишларини таъминлайди. Маърузачилар ислоҳотларнинг таълим сифатига эътибор берилаётган бугунги босқичда янги замонавий технологиялар ва интерактив усулларнинг қандай самара бераётганини ўз тажрибаларидан келиб чиқиб сўзлаб бердилар. Қизғин мунозараларга бой бўлган бу анжуман сўнгида педагогларнинг келгуси ишларини белгилаб берувчи тавсиялар қабул қилинди. Анжуман материаллари тўплам ҳолига келтирилди.

Г.РИХСИЕВА
филология фанлари номзоди

"МАҲАЛЛАМ ОБРЎЙИМ, КЎЗИМ ҚОРАСИ"

"2003 yil — obod mahalla yili"

Биз аксарият ҳолларда Европа мамлакатларига, уларнинг турмуш тарзига ҳавас билан қараймиз. Лекин ҳавас қилгулик ана шу давлатларда шахснинг фақат ўзини ўйлаши, ёнатрофидагилар билан иши бўлмаслиги, меҳр-оқибат тушунчасининг ҳаётдаги реал кўринишлари кўп-да учрамаслигини ҳамма ҳам билавермайди.

Дарқақиқат, туркий халқларда, хусусан, ўзбекларда маҳалла мактабининг қадим-қадимдан давом этиб келаётган анъаналари мавжудлигига ғарб мамлакатлари бугун қизиқиш билан қарашмоқда. Тошкент ахборот технологиялари унивеситетида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарнинг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ривожлантириш — давр талаби" мавзусида уюштирилиши эътиборга молиқдир.

Университет ҳудудий жиҳатдан Юнусобод туман ҳокимлигига қарайди. Шу жиҳатдан олганда, семинарга туман ҳокимлиги вакиллари, қолаверса, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик кенгаши, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ижтимоий фикр" Маркази раҳбар ходимларининг таклиф қилиниши, уларнинг жўяли фикр ва таклифлар билдириши изсиз қолиб кетмайди. Негаки, юзлаб талабаларнинг бошини бириктириб турган университет ҳам айтиш мумкинки, бирон масалани ечишда ёки унинг ижросини таъминлашда кўп нарсага қодир куч.

Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан уюштирилган "Ётоқхона — менинг иккинчи уйим" кўрик-танловининг "Энг яхши маънавият ва маърифат хонаси" йўналишида фахрли биринчи ўринни эгаллагани учун университетга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғаси ҳам топширилди.

МУХБИРИМИЗ

ИЖОДИЁТ УЙИ ИШ БОШЛАДИ

Тошкент туманидаги "Ҳасанбой" ширкат хўжалиги гузарида "Ёш техниклар ижодиёти маркази" биноси ишга туширилди.

— Туман миқёсида фаолият кўрсатадиган мазкур "Ижодиёт маркази" зарур ускуналар билан жиҳозланиб, малакали мураббийлар саралаб олинди. Мутахассисларнинг фикрича, бино қурилишига қирқ миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, қисқа фурсат ичида тикланди. Уни бунёд этишда "Ҳасанбой" ширкат хўжалиги, "Толиб ота", "Усмон ота" ҳамда Асрор Нўъмонов фирмалари раҳбарлари алоҳида саховатпешалик қилишди. Туман халқ таълими бўлими ҳамда туман йўлсозлари ҳам жонбозлик билан ёрдам қўлини чўзишди.

Б.ЙЎЛЧИЕВ

ЖАҲОНДА БОЛАЛАР МУАММОЛАРИ

Тошкентда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан тайёрланган "Жаҳонда болаларнинг аҳволи" маърузасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Қабул қилинган халқаро конвенцияга мувофиқ ушбу маъруза ҳар йили тайёрланади. Унда жаҳонда таълим, болалар саломатлигини сақлаш, шунингдек, болаларнинг жамият ҳаётидаги иштироки кўриб чиқилади. Тақдимот пайтида кўпгина мамлакатлар, хусусан, Нигерия, Руанда ва кам тараққий этган бошқа давлатлардаги болаларнинг қандай яшаётганлиги ва ўқиётганлиги тўғрисида видеофильм намойиш этилди.

Маърузада Ўзбекистонда болалар саломатлигини сақлаш муаммолари хусусида ҳам гап кетди. Республика бош педиатри Дилором Аҳмедова сўзга чиқиб, мамлакатда туғилиш ва болалар ўлими бўйича қатор статистик маълумотларни келтирди. Буларнинг кўрсатишича, ўтган асрнинг 90-йилларида туғилишнинг умумий коэффиценти тўрт нафарни ташкил қилганди. 2001 йилга келиб бу кўрсаткич 2,5 га тушди. Ўтган йилнинг маълумотларига кўра, туғилишлар сони 533 мингни ташкил этди. 5 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлим 36 минг нафарни ташкил этди.

Дилором Аҳмедованинг таъкидлашича, республикада "Она ва бола скрининги", "Соғлом авлод", "Она ва бола" давлат дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу мазкур салбий ҳодисаларни бартараф этишга кўмаклашади.

Республикада таълим масаласи бўйича Халқ таълими вазирлиги вакили Жамолиддин Фозилов сўзга чиқди. Унинг айтишича, ҳукуматнинг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтган йили кам таъминланган оилаларнинг болалари 70 фоиз ўқув дарсликлари, 100 фоиз иссиқ кийимлар билан таъминланди.

Ушбу тақдимотда БМТда бўлиб келган болалар ҳам иштирок этди. Улар анжуман иштирокчиларини Ўзбекистон болалар парламенти, "Демерис" мактаб республикаси фаолияти билан таништирди. Шунингдек, тақдимотда болалар ижтимоий ва ҳуқуқий масалалар муҳокамасида ҳам қатнашди.

"Туркистон-пресс"

ЎҚУВЧИ ТАНАФФУСНИ ҚУТМАГАН ДАРС

Бола олами — беғубор, самимий, содда, айни вақтда ўта мураккаб. Баъзан бу оламга кириб, куюниб дарс ўтаётган, ҳатто фан номзоди бўлган муаллимни ўқувчи севмайди, дарсига қулоқ солмайди. Сабаби, муаллим ўз фанини чуқур биладию болалар кўнгли, дунёқараши билан қизиқмайди, вазифасини фақат билим беришдан иборат, деб ҳисоблайди. Аксинча, баъзан ҳеч қандай унвонсиз, олий, I тоифага эга бўлмаган муаллимнинг дарсини ўқувчилар сабрсизлик билан кутадилар, атрофида парвона бўладилар. Зеро, бу муаллим ҳаётини ўқувчиларисиз тасаввур эта олмайди, уларга эркинлик беради,ширин муомаласи, одоби билан обрў қозонади, асосийси, болаларни ўз фарзандидек яхши кўради. Муаллим меҳрини ҳис қилган ўқувчи уни ҳам, дарсини ҳам орзиқиб кутади.

Тошкентлик ўқувчилар (110-мактаб), дарсларига илк бор кириб келган наманганлик муаллимани саломлашгандаёқ ёқтириб қолдилар.

Адабиёт ошнолари,

Шеъриятнинг шайдолари,

Ассалому алайкум, деб саломлашган "Йил ўқитувчиси — 2002" Республика кўрик-танлови иштирокчиси Р.Исоқова ўзини тўртлик орқали таништирди:

Масканим водийнинг сўлим гўшаси,

Наманган аталмиш гўзал бир диёр.

Гуллар шаҳримизнинг ажиб Косонсой

Деган жаннатдек бир чамани бор.

Бу вақтда 6-"Б" ўқувчилари видеотасвир орқали Косонсой билан ҳам танишдилар.

Ўқитувчи синф тахтасига мавзуни ёзгач, кўргазмадан фойдаланиб дарс мақсади ва режасини ўқиб берди.

Мавзу: ***Бадиий сўз қудрати.***

Эпиграф: Сўз гуҳариға эрур онча шараф,

Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

"Ҳайрат ул-аброр"дан.

I. ТАЪЛИМИЙ МАҚСАД:

1. Ўқувчиларнинг бадиий адабиёт ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, бадиий адабиётни санъатнинг бошқа турларидан фарқини изоҳлаш, адабиёт тўғрисидаги тасаввурларини бойитиш.

2. Бадиий тимсол, оғзаки ва ёзма адабиёт тўғрисида маълумот бериш, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш.

3. Ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш, ДТС талабларини бажариш.

II. ТАРБИЯВИЙ МАҚСАД:

1. Ўқувчиларни адабий меросимиз, улуғ мутафаккирларимиз, ўзбек халқининг буюк сиймоларига меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

2. Экологик тарбия бериш.

III. КОММУНИКАТИВ МАҚСАД:

1. Ўқувчиларнинг мантиқий-тафаккур қобилиятини ривожлантириш.

2. Олган билим ва кўникмаларини амалда қўллаш.

Дарс мақсадини тўлиқ келтиришимиз боиси шундаки, ҳаракатчан муаллима бир соатлик дарсида вақтдан тўғри фойдаланиб, юқоридаги мақсадига тўлиқ эришди.

Дарс Ўзбекистон Республикаси, унинг рамзлари, ютуқлари ҳақидаги савол-жавоб билан бошланиб, қуйидагича давом этди.

Ўқитувчи: Илоҳий китобларда айтилишича, сўз дунёдаги барча нарсаларнинг асосидир. Ривоят қиладиларки, Тангри кунларнинг бирида "Ярал!" — дея хитоб қилади. Ва шу сўз кучи билан бутун олам, ундаги жамики бор нарсалар яралади. Сўз ана шундай чексиз қудратга эга. Санъатнинг кўп турлари борлиги сизга маълум, оҳанг — чолғу асбоби, адабиёт эса сўз қудрати-ла яратилади. Сўз ила яратилган адабий асарлар олтин қуймасидек порлаб туради (айни вақтда буюк ёзувчилар портрети, буклама, альбомлар кўрсатиб турилди). Бугун биз бадиий сўз ҳақида фикрлашамиз.

Ўқитувчи: — Мен "осмон" дейман, сиз-чи?

Ўқувчилар: — Мусаффо осмон, тиниқ осмон, мовий осмон, шаффоф осмон.

Ўқитувчи: — Гулзор ёнидан ўтаяпсиз, нима дейсиз?

Ўқувчилар: — Эҳ, қандай гўзал! Оҳ, нақадар чиройли манзара.





Ўқитувчи ўқувчи қўллаган бадиий сўзларни шарҳлаб бериб, ўқувчилар эътиборини икки суҳбатга жалб этди. 1-топшириқ — суҳбатни синф ўқувчилари санъаткорлик билан ижро этдилар.

1-суҳбат.

— Лобар, китобимни олиб келдингми?

— Вой, эсимдан чиқибди.

— Доим шунақа қиласан, эси паст.

— Аҳмоқ, ўзингни эсинг паст. Битта китобга шунчаликми?

— Вой, сенга китоб бериб эси паст бўлдимми?

— Шунақа, ажаб бўпти.

2-суҳбат.

— Ҳаётбек, китобимни олиб келдингми?

— Дўстим, эсимдан чиқибди, узр!

— Майли, хафа бўлма. Ён қўшнимиз Одилбекнинг дарслигини олиб фойдаланиб тураман, хижолат бўлма.

— Кел, яхшиси бизникига борайлик, китобингни ҳам бериб юбораман, бирга дарс ҳам тайёрлаймиз.

— Ажойиб таклиф, кетдик бўлмаса.

Ўқитувчи ўқувчилардан қайси суҳбат ёққани, бу суҳбатдан қандай хулоса чиқарганлари ҳақида сўраб, кишилардан эзгу сўзгина қолишини айтди ва мустақил фикр билдирган ўқувчиларга совға — ручка бериб, шундай деди: — Совғамиз кичик, лекин сизлардан умидимиз катта. Бундан руҳланган ўқувчилар кейинги топшириқларни бажаришда янада фаоллашдилар. Назаримизда, ўқитувчининг ўқувчиларни рағбатлантира олгани, дарс унумдорлигини янада оширди.

2-топшириқни бажаришга киришишдан аввал, ўқувчилар 4 хил рангдаги конфетлардан олиб, 4 гуруҳга бўлиндилар. Ўқитувчи уларга "Баҳор", "Ёз". "Куз", "Қиш" деб сарлавҳа ёзилган ватман (чизмачилик қоғози), маркер (фломастер) ва йил фаслларига оид рангли расмлар тарқатди ва гуруҳларда ишлаш тартибини тушунтирди. Ҳар бир гуруҳ иштирокчиси ўз фикрини гуруҳ аъзолари билан маслаҳатлашиб, қоғозга ёзади, бунда улар дўстона муносабатда бўлиб, "Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун" шиорига амал қиладилар. Вазифа шеърий тўртлик орқали баён этилди:

Бу расмлар ҳар фаслга хос,
Ҳикоя тузинглар унга мос.
Сўзлар ёзинг маҳорат ила,
Баҳолаймиз адолат билан.

Гуруҳ аъзолари берилган вақт ичида биргаликда матн тузиб, ундаги оҳори тўкилмаган сўзларни аниқладилар. 1-гуруҳ аъзолари **фасллар келинчаги, куртак очди, хушбўй гуллар, баҳор элчилари,** 2-гуруҳ аъзолари **ажойиб фавворалар, жазирама иссиқ, муздек сув,** 3-гуруҳ эса **олтин куз, заъфарон барглар, серҳосил боғлар,** 4-гуруҳ **кумуш қиш, оппоқ пайпоқ, сервиқор тоғлар** каби сўз ва бирикмалардан фойдаланиб, ёзган ижодий ишларидан айрим намуналарни синф тахтасига ёздилар. Ўқитувчи бажарилган ишнинг сифати, мазмуни, ўқувчиларнинг ҳуснихатига алоҳида эътибор бериб, гуруҳларни баҳолади.

Amaliy mashg'ulotlar

Навбат 3-топшириққа келди. Ўқувчилар "Ҳеч бир подшо эълон қилмаган фармон" — мақолларни давом эттирдилар. Гуруҳ аъзоларининг зукколиги, топқирлиги, ҳозиржавоблиги аниқланадиган бу топшириқни ўқувчилар тезда бажардилар.Аввал ўйла... (кейин сўзла). Йигит сўзидан... (арслон изидан қайтмас). Яхши сўз... (қиличдан ўткир). Нодон сўзлар... (доно ибрат олар). (Ўқувчилар топган жавоб қавс ичида берилди).

4-топшириқ ҳам қизиқарли эди. Синф доскасига ёзувчилар номи ёзилган кўргазмали қурол илиб қўйилди.

Х.Тўхтабоев	А.Қаҳҳор	Э.Воҳидов
1.	1.	1.
2.	2.	2.
3.	3.	3.
4.	4.	4.
О.Ёқубов	Зулфия	Саид Аҳмад
1.	1.	1.
2.	2.	2.
3.	3.	3.
4.	4.	4.

Ўқувчиларга асарлар номи аралаш берилиб, улар ҳар бир ёзувчига тегишли асарлар номини топиб, синф тахтасидаги кўргазмали қуролни тўлдирдилар. Масалан, Одил Ёқубов номи рўйхатига "Диёнат", "Адолат манзили", "Улуғбек хазинаси", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар" деб ёзилган қоғозлар қўйилди. Шу тариқа синф тахтасидаги кўргазмали қурол тўлдирилди.

Бу вазифа орқали ўқитувчи ўтилган мавзуларни мустаҳкамлади.

Интерактив методдан фойдаланиб, дарс ўтган муаллима болажонларга дам олиш дақиқаси сифатида ширали овозда алла айтиб берди ва сўради

— Ўқувчиларим, сиз менинг тимсолимда кимни кўрдингиз!

— Ўз онамни кўрдим, устоз, — деди Ҳаётбек. — Ижозат бersангиз онамга бағишланган шеъримни ўқиб берсам.

Ҳаётбек муаллима тимсолида ўз онасини кўргандек бўлишидан таъсирланган Раъно ҳон қуйидаги тўртликни ўқиди:

Устозни дейдилар отангдай улуғ,

Шу таъриф аслида баридан қутлуғ.

Фарзанд камоли-чун елиб-ёнадир,

Чин муаллим ҳам ота-онадир.

Муаллиманинг дарсни якунлаши ҳам ўзгача бўлди:

— Ривоят қилишларича, Аллоҳ Таоло қайси халқни суйиб ардоқласа, ўша халққа шон-шавкат ва ғурур, ифтихор бўладиган фарзандлар инъом этаркан. Мен сизнинг мактабингизда шундай зукко, ўзбекнинг фахри бўла оладиган ўқувчиларга дарс ўтганимдан хурсандман. Мана шу 26 қоракўз ўсиб, улғайиб, камолга етиб, ўз юрти шон-шавкатини дунёга танитадиган йигит-қизлар бўлиб етишишини тилайман.

Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонидан парча ўқиб келиш уйга вазифа қилиб топширилгандагина дарс поёнига етганини сездик, холос. Унгача ўқувчилар ҳам, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам мазмунли бадиий асар ўқиётгандек мириқиб дарс тингладик. Ўқитувчининг янги педтехнология асосида дарс ўтиши, кичик гуруҳларда иш олиб бориши, мунозарали саволлар билан ўқувчиларни баҳсга торта олиши, ижодкорлиги, санъаткорлиги туфайли дарсда ҳеч ким зерикмади. РТМ услубчиси Комила Усмонова топиб айтди:

— Раъно Исоқованинг дарсида ўқувчи танаффусни қутмади, болалар ўз фикрини айтишга шошилди. Мақолга муаллиманинг берган таърифи ҳам "теша тегмаган" таъриф.

Муаллиманинг гуруҳларни адолатли баҳолай олгани, адабиёт дарсини она тили, тарих, одобнома, мусиқа, экология билан боғлай билгани, энг асосийси, бадиий сўз қудратини ўз нутқида кўрсата олиш маҳорати дарснинг юқори баҳоланишига асос бўлди. Дарҳақиқат, муаллима шундай мисраларни ўқиганда ҳақли эди:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,

Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

Тиргузуб ўлганни каломи фасиҳ,

Ўзига "жонбахш" лақаб деб Масиҳ.

Дарсни "Ма'rifat" мухбири Маҳмуда ВАЛИЕВА кузатди ва баён қилди.

Олий ўқув юртига кирган ўқувчи-талабага ҳам 50 минг сўм мукофот берилади.

ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ МАКТАБ

Нуробод туманидаги 72-умумтаълим мактабининг ўқувчи ва муаллимлари янги 2003 йилни янги мактаб биносида бошладилар.

Мактабдаги 14 та синф хонаси, мажлислар зали, ўқитувчилар хонаси янги парта, стол ва стуллар билан жиҳозланган.

Айниқса, 250 ўринга мўлжалланган мактаб тўлиқ табиий газ билан иситилаётганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

— Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев 2002 йилда туманимизда бўлиб, захлаб кетган мактаб биносининг ўрнига тез орада янги мактаб қуришни маслаҳат берган эди. Каттақўрғон жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А.Раҳимов мактабни сифатли қилиб қуриб беришни ўз зиммасига олиб, бугун ўз ваъдасининг устидан чиқди. Фарзандларимиз қувончининг чеки йўқ. Ҳатто мактаб атрофи ва катта йўлгача бўлган масофа асфалтланган. Энди имкон қадар зарур ўқув техник воситалари ва кадрлар масаласини ҳал қилиш керак бўлади, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Э.Абдусаломов.

ЎҚИГАНГА 50 МИНГ

Пахтачи туманидаги Абдуазиз Аллаёров номидаги ширкат хўжалиги маъмурияти болаларни яхши ўқишга рағбатлантиришнинг ўзига хос йўлини тутмоқдалар. Жамоа хўжалиги ҳудудидаги 3 та умумтаълим мактабининг аълочи ўқувчилари, туман олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчилар 3 мингдан 5 минг сўмгача пул мукофоти билан тақдирланади.

Агарда бу ютуқ вилоят миқёсида бўлса, мукофот ҳажми ҳам ўн баробарга ошади. Олий ўқув юртига кирган ўқувчи-талабага ҳам 50 минг сўм мукофот берилади.

Ўтган йили ўн нафар талаба жамоа хўжалигининг ана шундай мукофотини қўлга киритди.

Хўжалик бошқарув раиси Ф. Тўхтапўлатова раҳбарлигида бу йил ёш спорчиларни ҳам алоҳида рағбатлантириш режалаштирилган.

Н. ШЕРБОЕВА

ҲАР БИР МАКТАБДА ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 2-ўрта таълим мактаби туманда ташкил этилган илк мактаблардан бири. Унда 24 та синф хонаси, спорт зали, ошхона, стадион мавжуд. Кимё, физика, ЭҲМ хоналари техник воситалар, лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

Бу ўқув йилида 956 нафар ўқувчига 48 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Мактабда 12 дона "Агат" компьютери, диапроектор, телескоп, микроскоп, "Пилинг — 2400", радио, телевизор мавжуд. Маънавий-маърифий, синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар ўтказиш, тўгараклар фаолияти яхши йўлга қўйилган.

Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридаги Нодира номидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби 1960 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Илм маскани дастлаб 1-сонли ўрта умумтаълим политехник мактаби бўлиб, ҳунар ўрганувчи толиби илмларга хизмат қилган.

Бироз ўтгач, мактаб 1961 йилдан Маяковский номи билан 47-ўрта мактабга айлантирилган. Бу йиллар давомида мактабда таълим-тарбия ишлари ҳамда мактабдан ташқари оммавий-ташкилий ишлар соҳасида туманда, вилоятда, ҳатто республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллаб келган.

Мактаб 1991 йилдан Нодира номидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби номи билан Марғилон шаҳар халқ таълими бўлими ихтиёрига ўтказилди. Бугунги кунда мактабда 89 нафар ўқитувчи ўқувчиларга сабоқ бериб келаётир. Мактабда 16 хил фан тўгаракларини ишлаб, бу тўгаракларга 500 нафар ўқувчи жалб этилган. Мактабда янги ўқув йилида сузиш ҳавзаси ва соғломлаштириш мажмуаси бунёд этилган бўлиб, мажмуада ташкил қилинган тўгаракда 150 нафар ёшлар сузиш маҳоратини эгаллаб бормоқдалар. Билим даргоҳида 28 та фан ва синф хоналари, 11 ўринли компьютер хонаси, тиббий, махсус жиҳозланган тиш даволаш хонаси, кутубхона мавжуд. 100 ўринли замонавий ошхона ва буфет ишлаб турибди. 3950 квадрат метрли универсал спорт мажмуаси бўлиб, баскетбол, волейбол майдонларига эга. Алоҳида ёпиқ спорт зали мавжуд. Мактаб кўкаламзорлаштирилган 2800 кв. метрли футбол майдонига эга. 25 сотихли боғда 60 туп хурмо, 20 туп ток, 25 туп шафтоли, ўрик ва беҳи дарахтлари бор. 16 сотихли жойда эса 1600 туп 5-6 йиллик тераклар парваришланмоқда. Мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Билим даргоҳида Фарғона Давлат университети, Фарғона ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳамда Марғилон шаҳар педагогика коллежи билан ҳамкорлик қилиб боради. Университет, институт ва коллеж талабалари мактабда назарий билимларини амалий билимлар билан уйғунлаштириб борадилар.

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги 307-мактаб (директори С.Бочкарёва) 1992 йилда ташкил этилган. Илм маскани янги замонавий андозада қад ростлаган бўлиб, у 150 ўринга мўлжалланган ошхона ва ошхона анжомлари, икки мажмуа мусиқа асбоб-ускуналари, микрофон, ёритгичлар билан, 240 ўринли кенг ва шинам фаоллар зали, спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган иккита спорт зали, 11 та системали ва 2 та персонал IBM компьютерлари билан жиҳозланган информатика хонасини ўз ичига олади. Бундан ташқари, қабулхона ва "Мониторинг" хонаси компьютерлар билан жиҳозланган. Мактабда "Маънавият ва маърифат" хонаси, 9680 та дарсликлар, 1947 та бадиий адабиёт, 1500 та методик қўлланмалар жамланган кутубхона мавжуд. Асосийси, барча педагогик янгиликлар, янги педагогик технологиялар, мактабдаги маъмурий назорат ишлари, жорий назоратни таҳлил қилувчи "Мониторинг" кабинети ташкил қилинган. Эътиборлиси, мактабда кечадиган таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш учун илм даргоҳидаги мавжуд 61 та фан хоналари ва бошланғич мактабдаги 17 та ўқув хоналарининг барчаси замонавий ўқув техника воситалари, кўргазмали қуроллар билан тўлиқ таъминланган.

Билим ўчоғида таълим-тарбия жараёни икки тилда олиб борилаётган бўлиб, унда бугунги кунда 1028 нафар ўзбек ва 1095 нафар русийзабон жами 2183 нафар ўқувчи хат-савод чиқармоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мактабда ўқувчилар таянч маълумот, яъни 9-синфгача таҳсил олар экан, шу давр мобайнида ўқувчи билим сирлари билан бирга турли тўгараклар орқали касб илмини ҳам ўрганиб, ўз келажак йўлларини белгилаб оладилар. Бунда мактабда ташкил этилган касб-ҳунарга йўналтириш хонасининг ўрни катта бўлиб, у ерда ДТМнинг йиллик энг сўнгги таҳлилий материаллари, пойтахтимизда жойлашган барча коллеж ва лицейлар ҳақида ахборотлар мавжуд.

Ҳамза туманидаги 5-бизнес мактаби, қурилиш, темирйўл, компьютер ҳамда авиасозлик коллежлари билан эса мактаб яқиндан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Хоразм вилояти Боғот туманидаги Бобур номидаги 1-мактаб учун 1972 йилда 536 ўринли, 1987 йилда 320 ўринли қўшимча бинолар қурилган. Мактабда жами 50 та хона бўлиб, шундан 34 таси синф ва фан хоналаридир. Кимё, физика, биология фанлари учун 4 та лаборатория хоналари, 3 та устахона, 1 та тикувчилик цехи, 120 ўринли ошхона, 162 м²ли спорт зали, мажлислар зали ҳам мавжуд. Информатика хонасида 2001 йилда олинган Pentium celeron 600/433 русумли 11 та компьютер мавжуд.

Мактабда 41 та синфда 1265 нафар ўқувчи 2 навбатда ўқимоқда. Уларга эса 17 нафар олий тоифали, 2 нафар халқ таълими аълочиси, 2 нафар давлат мукофотлари билан тақдирланган, жами 80 нафар ўқитувчи билим бериб келмоқда. 21 нафар ўқитувчининг янги педагогик технология асосида дарс ўтиш тажрибаси бўйича 1 соатлик дарс ишланмаси китобча қилиб чиқарилди. Илғор мактабнинг иш тажрибаси туман, вилоят, республикада оммалаштирилган.

"Yil maktabi — 2002"

Мактаб ўқувчилари 21 ёшли ёш устозлари, бошланғич синф муаллимаси Малоҳат Рўзметовани қадрлайдилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, "Фидойи ўқитувчи" нишони билан тақдирланган Малоҳатнинг ҳар бир дарсини болажонлар сабрсизлик билан кутадилар. Шунингдек, мактаб хорижий давлатлар билан ҳамкорлик, хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши бўйича кўпгина ишларни амалга оширмоқда. 2002-2003 ўқув йилида Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам гранти лойиҳалари бўйича танловда "Мактаб — касб-ҳунарга йўналтириш маркази" лойиҳаси бўйича қатнашмоқда.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги А.Пушкин номли 1-ўрта умумтаълим мактабига 1939 йили асос солинган бўлиб, мактаб ўқувчилари 1989 йилдан бошлаб янги бинода хат-савод чиқара бошладилар. 1992 йилдан бошлаб эса илм даргоҳи ўқувчиларга маълум бир ихтисослашув асосида чуқурроқ билим беришга киришди. Ўқувчилар мазкур мактабда математика ҳамда информатика ва ҳисоблаш техника асослари фанидан теранроқ билим олишар экан, бу борада мактаб маъмурияти барча шароитларни яратишга ҳаракат қилди. Ҳозирда таълим масканида ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун замонавий спорт зали, барча асбоб-анжомларга эга ошхона, устахона, лаборатория хоналари, фаоллар зали ҳамда энг сўнгги русумдаги компьютер техникасига эга синфхона фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда илм даргоҳида 1153 нафар ўқувчи сабоқ олаётган бўлиб, уларга 61 нафар юксак билим ва малакага эга педагог ходимлар фан сирларини ўргатмоқдалар.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 11-ихтисослашган мактаб-интернати туман ҳокимиятининг 428/10 сонли қарори асосида 1993 йил 6 октябрдан илк толиби илмларни бағрига олган. Мактаб биноси ҳам 1996 йилда янгидан ўзгача ҳашамда қурилган бўлиб, у 524 ўқувчи ўрнига эга. Замонавий илм маскани 20 та фан хоналари, 280 ўринли ошхона, 280 ўринли маънавият ва маърифат зали, 280 ўринли 2 та ёпиқ спорт мажмуаси, ҳарбий спорт майдони, 150 ўринли ётоқхона, 2 та ўқитувчию ўқувчиларнинг машғулотлардан сўнг намунали ҳордиқ чиқаришлари учун маънавий дам олиш хоналари, 2 та сабзавот сақлаш хоналари. 30 м³ сув сақланадиган 32 та ҳовуз, 2 та универсал иситиш қозонхонаси, 2 та қўшимча иситиш қозонхонаси, 25 гектарли тажриба участкаси ҳамда 25 гектар қўшимча ер майдонига эга. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида илм-фан сирларини эгаллашларига имконият беради. 36 ўринли компьютер хонасида эса ўқувчиларга юксак технология асосида дарслар ташкил этилади. Бироқ, мазкур ўқув жиҳозларининг бироз эскирганлиги, яъни 24 та "Агат", 12 таси бўлса "Правец" компьютерларидан иборатлиги ўқувчиларнинг ЭҲМ технологиясидан чуқур билимга эга бўлишларига тўсқинлик қилмоқда. Аммо мактабда таҳсил олаётган илмга ташна ёшларнинг чет тилларини мукаммал эгаллашлари учун 2 та замонавий ўқув жиҳозларига эга лингафон хоналари мавжудлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Илмий ва бадиий адабиётларга, ўқув дарсликларига эга бой кутубхона ҳам ўқувчилар билимининг ошишига хизмат қилаётган бўлса, замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга тиббиёт хонасида эса ўқувчилар унча оғир бўлмаган касалликлардан фориғ бўлмоқдалар. Эътиборлиси, илм даргоҳида ўз касбининг етук мутахассислари бўлган 62 нафар педагог ходим ўқувчиларга теран билим бериб келаётган бўлиб, уларнинг 4 нафари фан номзоди, 27 нафари олий тоифали ҳамда қолган 27 нафари биринчи тоифали бўлса, яна 4 нафар ўқитувчи иккинчи тоифалидир.

Албатта, мактабда ўқувчилар томонидан фанларни ўзлаштириш кўрсаткичининг юқори бўлишида илм маскани билан Қарши Давлат университети ҳамда Қарши техника ва муҳандислик институти ўртасидаги ўзаро тузилган шартнома асосида олиб борилаётган ҳамкорлик алоқалари асосида ўқув-тарбия жараёнининг тобора такомиллашиб бориши ҳам муҳим омил бўлмоқда.

ФОТОРАССОМ, ФОТООБЪЕКТИВ ВА ҚАЛБ КЎЗИ

Бугунги меҳмонимиз фотосанъат устаси, моҳир фотожурналист Абдуғани Жумаевни кўпчилик Абдул Ғани Жума номи билан ҳам яхши билишади, у яратган суратларни севиб томоша қилишади. Абдуғани ака 1953 йилда Навоий вилоятида таваллуд топган. Тошкент халқ хўжалиги институтини иқтисодчи-инженер мутахассислиги бўйича битирган. 1997 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган. Ўзбекистон журналистлар, Бадиий академия ижодкорлар уюшмалари аъзоси. "Энг улуғ ва энг азиз" танловининг 2001 йилдаги ғолиби. Қатор халқаро конкурслар совриндори, жумладан газетамизда чоп этилган асарлар учун ҳар ойда ўтказиладиган "Энг яхши фото" номинациясининг соҳиби.

— "Меҳмонхона"мизга ҳар соҳанинг усталари таклиф қилинадилар, фотожурналистика билан шуғулланадиган меҳмонлар ичида биринчиси сиз. Шу боис, фотография санъати қачон пайдо бўлганлиги, фотоаппаратни, табиийки, фотоплёнкани кашф этган инсонлар ҳақидаги маълумотлар кўпчилик муштарийларимизни қизиқтирса керак.

— Ҳозирги фотоаппаратларнинг ибтидоси обскур-камера дейилади. Машҳур рассом Леонардо да Винчи унинг мукаммаллаштирилган лойиҳасини ишлаб чиққан. Ўша лойиҳа Наполеон Бонапарт томонидан ўлжа сифатида олиб кетилган, айни пайтда Париждаги музейда сақланмоқда. Ўн олтинчи асрдаги бу кашфиётнинг тарихи чуқурроқ бўлиши турган гап. Узоқ йиллар обскур-камерада маълум масштабда кичрайтирилган акс тасвирни бирор бир сезгир материалга ўтказиш ҳақида бош қотиришган. Ўн тўққизинчи аср бошида француз рассоми Нъепсе ва Дагер томонидан қилинган уринишлар натижа беради. Шундай қилиб фотографиянинг илк намунаси 1839 йил 7 январда унинг кашфиётчиси француз авангард рассоми Дагер номи билан дагератопия деб аталди. У Париж Фанлар академиясининг илмий кенгашида кашфиёт сифатида тан олинган. Фотографияга ўша даврдаёқ шундай катта эҳтиёж бўлганки, бир йўла бир неча давлатда Англия, Олмония, Россияда фотографияни такомиллаштириш билан шуғуллана бошлашган. Аввало фотопластинкалар яратилган эди, тез орада фотоплёнканинг Англияда кашф қилиниши фотографиянинг ривожида катта рол ўйнади. Бу ихтирочи Вильем Талбот эди.

— "Фотограф техник восита орқали тасвирий асар яратади", дейсиз доим. Лекин фотосанъаткор яратмайди, яратилган борлиқ синоатларини, гўзалликларини кўрсатиб беради, деган фикр ҳам бор. Бу фикрлар орасида қандай ўхшашлик ёки фарқ кўрасиз?

— Фоторассом яратади, қолган ҳолларда фотограф суратга олади. Демак бадиий фотографиянинг асоси бадиий-фалсафий мушоҳада. Масалан, сокин табиатда ҳам лаҳза бор. Фотожурналистда, умуман фотосанъаткорман деган кишида ана шу қобилият бўлмаса, ўз касбининг фалсафий жиҳатларини англаб етмаса у том маънода санъаткор бўла олмайди. Мана шу хусусиятларга эга экан, энди ундан фақат техник маҳорат талаб қилинади. Тасаввурда яратилган композицияни рўёбга чиқариш учун техник ечим ҳал қилувчи рол ўйнайди.

— Илк ўзбек фотожурналисти деб кимни биласиз?

— Биринчи ўзбек фотожурналисти сифатида Худойберди Девоновни биламан. Бу инсон ўтган аср бошида фотоаппарат ва кинокамера четдан олиб келган. Ном чиқарган. 1938 йилда қаттол тузум сиёсати натижасида отилган. Бугунги кунда бу инсоннинг нима учун "халқ душмани" сифатида йўқ қилинганлигини англаб етаяпман. Агар шундай бўлмаганида ўша даврдаёқ ўзбек фотография мактабига асос солиниши, шубҳасиз эди.

— Бугунги ўзбек фотожурналистикаси ҳақида фикрларингиз: қайси жаҳати сизга ёқаяпти, нимасидан кўнглингиз тўлмаяпти?

— Лўнда қилиб айтганда фотожурналист биз учун жуда камёб ҳодиса бўлиб қолди. Иккинчи томондан нохуш тенденция ҳам пайдо бўлди, яъни бундан ўн йиллар бурун матбуотда хизмат қилаётган уста фотожурналистлар ўзларини бирин-кетин матбуотимиздан четга олгач, табиийки, уларнинг таҳририятлардаги ўрни бўш қолди. Содиқ Маҳкамов, Владимир Молгачев каби журналистларнинг ўрнига кимлар келди? Ёшлар келди, дейишингиз мумкин, лекин улар қай даражада иш бошлашди? Тан олиш керак, аввалги ижодий рақобат йўқолди. Оқибатда бугунга келиб миллий матбуотимизда дунё фотожурналистика мезонининг энг оддий даражаси ҳукм сурмоқда. Мактаб кўрмаган фотомухбирлар кўпайди...

Меҳмонхона



— Гапингиз ўринли, фотожурналистиканинг тан олинган мактаби бизда ҳозирча йўқ. Бироқ камчиликлар ҳақида гапирилганда, албатта ёш кадрларнинг камлиги, дарслик ёки қўлланмаларнинг йўқлиги тилга олинади? Халқаро журналистика факультети талабалари учун фотография санъатидан ўқув дастури тайёрлаганингиздан, дарслик мундарижаси ҳақида америкалик мутахассисларнинг яхши баҳосидан ҳам бохабармиз. Дарсликни талабалар қачон ўқишади? Қолаверса, янги ўзбек фотографияси мактаби учун сизга ўхшаган мутахассислар қўлланма ёзмаса, бировлар келиб бу ишни қилиб бермайди-ку.

— Очиғини айтайми, ҳаммамиз ҳам болам-чақам, деб елибюгурамиз. Матбуотдан эса ажрала олмайман, унинг ширин нонига ўрганиб қолганман, матбуотга кетадиган вақтимни бошқа ишлардан тежайман. Лекин шунга қарамасдан ушбу савобли ишни тушуна билган кишиларнинг эътиборини сезсам, албатта ўша дарсликни ёзишга киришаман. Орзуим шу китобни яратиш, унда фотожурналистика "фотобачок, плёнка ювиш" деган тушунчалар эмас, фотография нима эканлигини, унинг жамиятдаги ўрнини, ижтимоий моҳиятини тушунтирган бўлардим. Унинг баъзи бир жиҳатларига ўзимнинг янгиликларимни ҳам киритмоқчи эдим. Фотография интернационал тушунча, лекин унинг миллий хусусиятларини ҳам очиб берардим.

— Юқорида санъат даражасидаги фотография ҳақида гапирдингиз. Умуман сиз ўзингизни фоторассом деб биласиз. Фотография, фотожурналистика ва фоторассомликнинг фарқини тушунтириб берсангиз.

— Фотография асли санъат сифатида дунёга келган, яъни фотография деган сўз фотография санъати деган сўз. Юқорида таъкидланганидек, фотографияни кашф этувчилар энг илғор, янгиликка интилувчи рассомлар бўлган. Фотография тасвири айнан рассомлик анъаналари асосига қурилган. Шунинг учун ҳам бундан юз йиллар бурунги фотография бугунгига нисбатан бадиий жиҳатдан пишиқроқдир. Бу иш билан шуғулланган ҳар бир одам ўз даврининг иқтидорли, зиёли кишиси бўлган. Бугунга келиб ўринли равишда сиз юқорида берган саволлар туғилмоқда. Журналистикада фоторепортёр ва фотожурналист деган категориялар бор. Биринчиси таҳририят топшириғи билан у ёки бу воқеа-ҳодиса ҳақида фотоахборот тайёрлаб беради. Бирор бир мавзу устида камида фоторепортаж, фотоочерк ёки кенг қамровли фотопублицистик материал тайёрлай олиш даражасидаги мутахассисни эса фотожурналист дея оламиз. Бу ерда унинг шахси, интеллектуал даражаси, билими, бадиий мушоҳадаси, кишилик жамиятига муносабати кўп нарсани ҳал қилади. Кўриниб турибдики, унинг фотография техникасини қанчалик мукаммал эгаллаганлиги, у тайёрлаган сифатли маҳсулотнинг техник воситасидир.

Фоторассом шундай универсал ижодкорки, биз таъкидлаган барча маҳоратини намоён қилади, яъни фоторепортаж, фотоочеркларни тайёрлаш жараёнида шундай образлар яратадики, улар воқеликнинг оддий инъикоси эмас, балки унинг асосий моҳиятини энг таъсирли даражада бериш билан бирга юз берган тарихий ҳолатни тасвирлаш орқали кузатувчини маълум йўналишда мушоҳада қилишга, ўйлашга ва ўз муносабатини белгилашга олиб борадиган фикр уйғотади. Фоторассом катта ижтимоий вазифанинг бадиий ечимини қидиради ва топади.

— Фотоаппарат объективини кўзга қиёслашади, шу тўғрими?

— Умуман олганда тўғри, объектив ва кўз бир жиҳатдан физик қонунлар асосида қурилган. Иккинчи томондан объектив орқали кўрилган нарсалар плёнкага кўчади, кўз орқали кўрилган нарсалар қаерга кўчади? Инсоннинг онги-шуури орқали қалбига кўчади. Фоторассом кўнглида етилган образ — кадр объектив воситасида туғилади. Демак фотографияни ҳал қилувчи моменти фотографнинг қалб кўзидир.

— Биринчи ўқитувчингизни эслайсизми?

— Муаллимамизни Валиева дейишарди, исмларини айтиш гуноҳ саналарди ўша пайтда. Жуда куюнчаклиги ёдимда қолган. Охирги партада ўтирардим. Физика, математика, биология, адабиёт, геграфияни яхши кўрардим. Қисқаси ҳамма нарсага қизиқардим, табиатни кузатиш унда мутаносиблик топиш доимий машғулотим эди. Бир йўла математик, рассом, журналист бўлишни орзу қилганман. Бир куни география дарсида шеър ёзиб ўтирганимда "қўлга тушиб", роса таъзиримни ҳам еганман.

— Фотографлик соҳасига қандай келиб қолгансиз, устозларингиз ким?

— Рассомликка қизиқишим сабаб бўлган, аслида мен Тошкент халқ хўжалиги институтини иқтисодчи-инженер мутахассислиги бўйича битирганман. Бешолти йил шу соҳада ишладим ҳам, айни пайтда фотоҳаваскор ҳам эдим. Биринчи устоз сифатида Серафим Стефановични эслайман. У қўлимдан етаклаб фотографлар даврасига олиб борганди. Михаил Штейн деган фотографдан ҳам кўп нарсани ўрганганман. Яна бир машҳур фотопублицист Василий Песковни маънавий устозим деб биламан.

— Илк фотоасарингизни эслайсизми, у қандай сурат эди?

— Эслайман. "Китоб ўқиётган болакай" деб аталарди. Ана шу сурат илк марта муҳокамага тушганди. Кейинроқ ҳаваскор сифатида 1978 йилда профессионал фотографлар иштирокидаги конкурсда қатнашганимда, пейзаж жанрида иккинчи мукофот, портрет жанрида учинчи мукофот беришган. Шу баҳона матбуотга ҳам кириб келганман. Бунга сабабчи Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, ўша пайтда "Тошкент оқшоми" газетасининг бўлим мудири Ўткир Ҳошимов бўлганлар. У кишини ҳам устоз сифатида қадрлайман.

— Муштарийларга тилакларингиз.

— Ёш авлод бахтига доим соғ ва саломат бўлишсин. Ўз малакалари устида кўпроқ ишлашсин. Яна бир ният - кимдир қизиқиб, иштиёқ билан шу йўлни танласа шогирдликка қабул қилардим.

Суҳбатимиз сўнгида Абдуғани акадан бир-иккита фотоасарларини сўраб, уларни муштарийларга шарҳлаб беришларини илтимос қилдик.

Ҳ.САИДОВ суҳбатлашди.



1-сурат. Ўзбекистон халқ артисти, машҳур театр режиссёри Баҳодир Йўлдошев портрети. У киши билан кўп сафарлар,даврларда суҳбатида бўлганман. Тилсимли инсон. Суратда кичик суҳбат даврасида ўзининг ички дунёсига ғарқ бўлган ҳолат...

2-сурат. Момо портрети. Кўпни кўрган момонинг нурли кўзлари нимани дир илғаган лаҳза... Унинг либоси, ўтириши ва бошқа деталлар фотокомпозицияда ўзбек момосининг образини тўлдиради.

3-сурат. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев портрети. Шукур ака билан адабиёт ва санъат хусусида кўп суҳбатлар қилганмиз. Баъзида у ўз дунёсига шундай беркиниб оладики, ушбу сурат ўша ҳолатлардан бири.

Сентябрь ойида ўқишлар бошланган, битмай қолган бинога киришнинг иложи бўлмади. Битта фойдаланишга қолдирилган бинода ўқувчиларнинг ўқишлари уч сменада 30 дақиқадан олиб борила бошланди. Соат 12 гача бир гуруҳ, кечки 3 гача иккинчи гуруҳ, 6 гача навбатдаги гуруҳ дарсда ўтиришади.

2002-2003 o'quv yili — Xalq ta'limi muassasalarida metodik xizmatni takomillashtirish yili

ТАЪЛИМДА УЗВИЙЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Маълумки, ҳар бир инсонда ўзига хос қобилият мавжуд. Фақат у ўз вақтида ота-она ва мураббий томонидан илғаниб, унинг баркамол ривожланишига етарлича шароитлар яратилса бас. Бу борада, албатта, оилада ота-она, мактабгача таълим муассасасида тарбиячилар, мактабда муаллимлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий ўқув юртларида ўқитувчи-профессорлар ўртасида яқиндан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу билан ўсиб келаётган ёшларнинг келажакда ўзи танлаган касби бўйича етук мутахассис бўлишига замин ҳозирланади. Бу борада Республика ижтимоий йўналишдаги гимназиясида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мазкур таълим даргоҳи 1995 йилдан буён фаолият юритиб келаётган бўлиб, унда ўқувчиларга умумтаълим фанлари қаторида давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларга доир билимлар мажмуаси ҳам теран ўргатилиб борилади. Бу жараён гимназияда 5-6 ёшли болалар билан ишлаш тажриба гуруҳлари фаолиятидан бошланаётганлигининг ўзи эътиборлидир. Гимназия бошланғич синф ўқитувчилари ана шундай гуруҳларда таълим-тарбия олаётган болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, фикрлаши ва дунёқарашини ўстириш ва кенгайтириш масалаларини бугунги кундаги мавжуд мактабга тайёрлаш дастурлари асосида ташкил этиб келмоқда.

— 5-6 ёшли болага бирон-бир ҳарфни ёдлатишдан кўра, — дейди биз билан суҳбатда гимназия директори Рамзиддин Носиров, — уни фикрлашга ундаш ўқувчининг 1-синфга қадам қўймасиданоқ кўплаб қобилиятларининг очилишига туртки бўлади. Таъкидлаш жоизки, бизда таҳсил олаётган ушбу ёшдаги ўқувчиларга ҳарф ёдлатишдан кўра боланинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга чорловчи машқларни бажартиришга кўпроқ эътибор берилади. Зеро, мустақил фикрга эга ўқувчи билим олишга ҳам ўз истак-хоҳишидан келиб ёндошади. Гимназияда бундай дарсларни асосан бошланғич синф ўқитувчилари ва мактабгача таълим муассасаларида ишлаган кўп йиллик тажрибага эга тарбиячи-мураббийлар томонидан олиб борилиши эса дарсларнинг янада қизиқарли бўлишида қўл келмоқда.

Дарҳақиқат, дарсларнинг самарали ва ўқувчилар онгига тез етиб боришида ўқитувчининг ўрни катта. Шу боис ҳам ушбу таълим даргоҳида, айниқса, бошланғич синфлардаги дарслар стандарт дарслар доирасидан чиқиб, янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда болаларнинг психологиясидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда эстафета дарслари, хаёл ва ҳақиқат дарслари, меҳмон кутиш дарси, сайр-саёҳат дарслари алоҳида аҳамиятга моликдир. Юқори синф ўқувчилари эса қизиқишларига қараб кўплаб фан, ҳунар, спорт ҳамда маънавий дунёқарашини бойитишга хизмат қилувчи санъат тўгаракларида билим ва маҳоратларини бойитиш имкониятига эгадирлар. Айниқса, битирувчи синф ўқувчиларига олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширишлари учун қўшимча дарслар, факультатив машғулотларнинг мунтазам олиб борилиши ютуқлар гарови бўлмоқда.

— Биргина ўқувчиларимизнинг умумтаълим фан олимпиадаларидаги иштирокига назар ташлайдиган бўлсак, — дейди биз билан суҳбатда гимназиянинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Гулнора Умарова. — Ҳар йили бир неча фан бўйича республика, ҳатто, Халқаро фан олимпиадаларида ҳам совринли ўринларни олишга муваффақ бўлиб келмоқдалар.

Дарвоқе, 1998 йилда О.Азимова рус тили фани бўйича халқаро фан олимпиадасида 1-ўринни олган бўлса, 2001 йилда худди шу фан бўйича Ф.Полвонзода республика миқёсида 2-ўринни, П.Солиҳова ҳамда Г.Каримовалар эса олтин медалга лойиқ топилди. Бу анъана 2002 йилда ҳам давом этиб, гимназия ўқувчиси Ф.Шодиева МДҲ давлатлари ўқувчилари ўртасида кечган рус тили фани бўйича Халқаро фан олимпиадасида совринли ўринни эгаллаб қайтди. Албатта, гимназия ўқувчиларининг бундай улкан ютуқларни қўлга киритишларида илм даргоҳида ёшларга сидқидилдан сабоқ бериб келаётган Наргиза Рафиева, Мўмина Иброҳимова, техника фанлари доктори Тўлқин Мавлонов, физика-математика фанлари номзоди, доцент Адҳам Маматқулов ҳамда Барно Йўлдошева каби фидойи ўқитувчилар ва меҳрибон тарбиячиларнинг алоҳида ўрни бор.

Бундан ташқари юқорида таъкидлаганидек, ушбу таълим муассасасида ўқувчилар 1-синфданоқ келгусида дипломатия соҳаси ходимлари бўлишлари учун ҳар томонлама тайёрлаб борилади. Яъни, ўқувчиларга тарих, она тили ва адабиёт ҳамда чет тиллари чуқур ўқитилиб, уларнинг ўз билим ва кўникмаларини бошқа чет давлатларда мустаҳкамлашларига ҳам шароит яратилган. Ҳозирда алоқалари доирасида ҳар йили гимназиянинг ўқитувчию ўқувчиларидан 30-40 нафари чет эл сафарларида бўлишади. Ташриф давомида ўқувчилар нафақат ўша давлат тили, тарихи ва таълим тизими билан танишишади, балки мустақил давлатимиз вакили сифатида Ўзбекистонни, унинг тарихи, саноати, бугунги бунёдкорлик ишлари, халқнинг миллий урф-одатларини ҳам тарғиб этишади. Бу эса илм даргоҳи ўқувчиларининг халқаро муносабатларда иштирок этиш кўникмаларини, муомала маданиятининг эрта шаклланишида муҳим омил бўлади. Асосийси, ўқувчилар мактаб давриданоқ халқаро алоқаларда халқ дипломатияси ривожига ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Шунингдек, гимназияда ўқувчилар салоҳиятини оширишга, ҳуқуқий билимларини кенгайтиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ва учрашувлар ҳам ўтказиб келинади. Бундай учрашувларда юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари, давлатимиз арбоблари, шоир ва ёзувчилар, ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг иштирок этиши ўқувчилар дунёқарашининг бойишига сабаб бўлаётир.

Муҳими, таълимдаги узвийликни таъминлаш мақсадида, аввало, даргоҳнинг ўзида фан ўқитувчиларининг ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Яъни, бошланғич синф ўқитувчилари ўз ўқувчиларининг 5—6-синфларга ўтгач, қийналмай ўқишлари учун ўқувчиси келгусида қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишлари зарурлигини фақат ДТС талабларидан ўрганиб қолмай, доимо турли фан (математика, она тили, табиий фанлар) ўқитувчилари билан мулоқотда бўладилар. Натижада дарсларнинг интеграциялашувига имконият яратилади. Мисол учун, она тили, ўқиш, математика, меҳнат таълими, табиатшунослик каби дарсларга иқтисодиёт асослари, кимё, физика, биология фанларининг баъзи элементларини киритиб борадилар. Шу ўринда юқори синф ўқитувчиларининг бошланғич синф дарсларини кузатиши ва келгусида ўзи ўқитиши мумкин бўлган ўқувчиларнинг табиати, қобилияти, билим савияси билан танишиши, олдиндан ўз дарсларини қайта кўриб чиқиш, керак бўлса такомиллаштириш имконини беради. Ҳафта давомида ўтиладиган фанлар доирасида ҳам узвийликни амалга оширишга эътибор қаратилган. Масалан, адабиёт фани дарсида йил фасллари хусусиятларини таърифловчи иншолар ёзилса, шу ҳафтада рус тили ва инглиз тили дарсларида ҳам шу мавзу атрофида суҳбат юритилиб, грамматик қоидалар ўргатилади. Ботаника дарсида эса ўсимликларнинг турли фасллардаги ривожланиши тўғрисида суҳбат ўтказилади. Кимё ва физика дарсларида моддаларнинг хоссалари ўрганилар экан, уларга табиатнинг таъсири (нам ҳаво, қор-ёмғир, иссиқ-совуқ) ва бошқа омиллар тушунтирилади.

Узлуксиз таълим жараёни фақатгина гимназия ўқитувчилари ўртасида амалга оширилибгина қолмай, балки таълим даргоҳининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, унинг қошида ташкил этилган Шайхонтоҳур академик лицейи, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва уларнинг қошида ташкил этилган академик лицейлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу авваламбор айрим ўқитувчиларнинг ҳар икки ўқув даргоҳида дарс беришлари, бунда ўқувчиларга қўйиладиган талабларни, уларнинг олган билимларини ривожлантириш услуб ва йўлларини мослаштиришда сезилса, иккинчи томондан гимназия ўқувчилари баъзи дарсларни, масалан, информатика сабоқларини ЖИДУнинг компьютер марказида, физика фанидан лаборатория ишларини эса ЎзМУ физика факультети кафедраларида, шунингдек, кимё лаборатория ишларининг айримларини тўқимачилик институти лабораторияларида ўтишлари ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Бундай ҳамкорлик алоқалари Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг маҳаллий мактаблари билан ҳам ўрнатилганлиги эътиборга молик. Зеро, бунда ўқувчилар ўз тенгдошлари билан мунтазам фикр алмашадилар. Ватанимиз тарихи, унинг табиати билан яқиндан танишиб борадилар. Бундан ташқари, ҳозирда гимназияда анъанавий ўтказиб бориладиган ўқитувчилар йиғилишларида ҳам олий ўқув юртлари домларининг иштирок этишлари эътиборга лойиқ. Зеро, ўқув жараёнининг келгуси ривожида илмий салоҳияти юқори профессор-ўқитувчиларнинг таълим муассасаси ўқитувчиларига бераётган услубий-методик ёрдамлари муҳим ўрин тутади. Тил ўрганиш борасида узлуксизликни ва узвийликни таъминлашда эса гимназиянинг, ЮНЕСКОнинг ASP дастурлари асосида иш олиб борилаётганлиги муваффақиятлар гарови бўлмоқда, десак янглишмаймиз.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ЯНГИСИНИ ҚУРМАЙ ТУРИБ...

Миатто

Шаҳрисабз туманидаги Амир Хушвақтов номли ширкат хўжалигининг Янги қишлоғидаги 17-мактаб мана 40 йилдирки, ўз бағридан юзлаб ўқувчиларни мустақил ҳаёт учун учирма қилмоқда. Мактабда хўжаликнинг иккита қишлоғи ўқувчилари билим олишади. Камида минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил оладиган мактаб бугун қучоғига шунча миқдордаги болани сиғдира олмай қолган. Сабаби анча эскирган парталар, синфхоналар ҳамда ўқув қуроллари замонавий билим беришга ярамайди.

Бундан ўн йиллар муқаддам мактаб ёнидан янги бино қуриш учун ер майдони ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилганди. Шиддат билан бошланган иш нима бўлди-ю сўнди, қолди. Пойдевор билан саккизта устун ҳамон ўз қурувчисини кутиб ётибди. Бу давр оралиғида бир неча марта директор алмашди. Аммо туман марказига бориб бу ишларни силжишига туртки берадиган инсон топилгани йўқ. Ҳар ҳолда 16 километр йўл босиб Шаҳрисабз тумани марказига мунтазам бориб келиш ҳеч кимга ёқмайди.

Ўтган йили кўклам арафасида тумандан бир неча вакил келиб, Қамаши туманидаги зилзиладан зарар кўрган объект сифатида бу ерни ҳам хатлаштириб, қурилишни бошлаб юборишди. Учта ўқув корпусининг бири яроқсизлиги учун ёпилди, биттасида қурилиш бошланди, яна бирида ўқиш давом этди. Мактаб директори Раҳматилла Муҳаммадиевнинг айтишича, 60 миллиондан ошиқ пул қайсидир фирмага ўтказилган. Смета лойиҳаси ҳам тузилган. Ана шу режа асосида ишлар бошлаб юборилган. Ўтган йили ёз ойи тўлиқ мактабни таъмирлаш билан ўтди. 10 миллион сўмдан ошиқ маблағ миқдорида иш бажарилди. Сувалавериб, қалинлашиб кетган девор қатламлари олиб ташланди. Гувоҳи бўлдикки, бинонинг чап ва орқа қисми тепалари анча оққан, яъни йиқилар ҳолатга борган. Қурувчилар ана шу жойларни арматура ва учбурчакли темирлар ёрдамида "ямаб чиқишди". Энг қизиғи шундаки, директорда қурилиш режаси йўқ.

Сентябрь ойида ўқишлар бошлангач, битмай қолган бинога киришнинг иложи бўлмади. Битта фойдаланишга қолдирилган бинода ўқувчиларнинг ўқишлари уч сменада 30 дақиқадан олиб борила бошланди. Соат 12 гача бир гуруҳ, кечки 3 гача иккинчи гуруҳ, 6 гача навбатдаги гуруҳ дарсда ўтиришади. Синфхоналардаги парталарнинг камлиги учун болалар тиқилиб, бир партада 3-4 нафардан жойлашишга мажбур. Аксига олиб, совуқ кунлар арафасида қурилиш ишлари яна тўхтади. Одамлар, агар шунча пулнинг тўртдан бирини халққа берганида мактабни ҳашар йўли билан ўзимиз тиклардик, дейишди. Аммо замонавий режалаштириш кетаётган бир паллада ҳашар нима бўларди. Энди бир соғлом ақл билан мулоҳаза қилиб кўрайлик, ҳеч замонда 30 дақиқалик ўқув тизими ўзини оқлаганми? Қайси даврда ўқувчилар хоҳласа дарсга кириб, хоҳламаса уй дастёри бўлиб юрган. Ўтган декабрь ойининг изғиринли, совуқ кунларида ким ҳам тўкилай деб турган мактабга боласини юборади.

Хоналарнинг совуқлиги ҳамда қоронғулиги эндигина пахта теримидан қайтган ўқувчиларда ўқиш иштиёқини сусайтиради. Кечки соат 6 гача қолган болаларга ё жавоб берилади ёки ташқарида ой ёруғида дарс ўтилади. Ачинарлиси, ўқитувчиларда ҳам ўқитишга бўлган иштиёқ сўнган.

Биз бугунги кунда ЎМКҲТ тизимига кўпроқ эътибор бераяпмиз. Бу яхши, албатта. Чунки ривожланган хорижий мамлакатларда ҳам талабалар асосан коллежларда ўқиб, ҳунар ўрганишади. Аммо уларга ўқувчи тайёрлаб берадиган мактабларда аҳвол ўнгланмас экан, биз ҳеч қачон кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз.

Фазлиддин САТТОРОВ,
журналист

Uchrashuv

МУШТАРИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Газетамиз ижодкорларининг муштарийлар — мактаб ўқитувчилари билан юзма-юз мулоқоти анъанага айланиб қолган. 22 январь куни шундай учрашув Тошкент вилояти Паркент туманида бўлиб ўтди.

Туман халқ таълими бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, туман маданият уйи ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда Паркент туманидаги мактаб директорлари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ва фаол ўқитувчилар иштирок этишди.

Туман ХТБ мудири Муҳсиддин Ҳасанов ва Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Тўйчи Дўсматов Паркент туманида халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб, ўқитувчиларнинг ютуқлари ва муаммолари "Маърифат" саҳифаларида янада кўпроқ ёритиб борилиши тилагини билдиришди.

Газета бош муҳаррири ўринбосари Икром Бўриболев, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими янгиликлари бўлими муҳаррири Нурлан Усмонов ҳамда маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими муҳаррири Ҳусан Нишонов "Маърифат"да рўй бераётган ўзгаришлар, бўлимлар фаолияти, кўзланган режалар ҳақида сўз юритишди.

Мулоқотнинг савол-жавоб қисми қизғин тус олди. Муаллимларни қизиқтирган саволларга газета ходимлари имкон қадар жавоб беришди. Ўқитувчилар билдирган таклифлар "Маърифат"нинг бундан кейинги иш режасида албатта акс этишини билдиришди. Учрашувда билдирилган таклифлардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

— газета саҳифаларида фаоллаштирувчи тест саволлари кўпроқ бериб борилса;

— фанлар бўйича, кўргазмали қуроллар, ижодий танловлар уюштирилса;

— Дарслар юзасидан методик тавсиялар кўпроқ бериб борилса;

— мактабга янги келган ёш ўқитувчилар муаммолари кенг таҳлил қилиниб, ёритиб борилса.

Тадбир сўнгида бундай юзма-юз учрашувлар ҳар икки томон учун фойдали бўлганлиги таъкидланди.



МУХБИРИМИЗ.
Суратларни Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган

Jarayon

БИЛИМ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ?

(Тошкент Давлат Авиация институти мисолида рейтинг тизими таҳлили)

Нарса ёки ҳодисанинг таърифи, бу унга берилган яхши ёки ёмон баҳодир. Бу холат таълимга ҳам тўла маънода тааллуқли бўлиб, билим олувчиларнинг ўз олдиларига қўйган талабларни қандай ўзлаштирганликлари синаб кўрилади ёки мажозийроқ маънода айтадиган бўлсак, тарозида ўлчаб кўрилади.

Бугунги кун таълимининг баҳолаш тизимини тўлиқ қамраб ва эгаллаб олган "рейтинг" тушунчаси билимни қандай ўлчаш, таҳлил этиш масаласига асосий эътиборни қаратади. "Рейтинг" сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, "баҳо", "шахсий коэффициент" деган маънони англатади. Бунда ҳар бир талабанинг билим натижасини баҳолашга доир ягона қарашларни белгиловчи ўзаро боғлиқ қоидалар тушунилади. Рейтинг тизими асосида ўқувчи ёки талабанинг ўзлигини намоён қилишга, ютуқларни қўлга киритишга қаратилган истакларидан фойдаланишнинг замонавий психологик-педагогик йўллари, усуллари ётади.

2000 нафарга яқин талаба таҳсил олаётган Тошкент Давлат Авиация институтида баҳолашнинг рейтинг тизими қандай амалга оширилаётган экан, деган савол ғайритабиий туюлмаса керак. Албатта, бирор мавзу учун объект танланади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, ўқитишда холисона баҳолаш тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Институт ректорати, ўқув-услубий ишларни такомиллаштиришга мутасадди факультет, кафедра, кенгашлар талабанинг илм эгаллашга қаратилган саъй-ҳаракатларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, ёрдам беришга, йўл-йўриқ кўрсатишга тайёр турганини, ёхуд бунга тўлиқ сафарбар қилинганини таъкидлаб ўтиш керак.

Институтдаги мавжуд умумтехника, фуқаро авиацияси, авиакоинот факультетларида 9 та йўналиш бўйича бакалавр, 8 та мутахассисликда магистрлар тайёрланмоқда. Дастлабки босқичда талаба соҳа ҳақидаги умумий тасаввурларини кенгайтиришга киришади. Бунинг учун аввало ўз йўналишига доир фанлар, шунингдек, ижтимоий-сиёсий характердаги курсларни эгаллашга жалб қилинади. Шу ўринда институтда таълимнинг авиаракетасозлик йўналиши бўйича 10 та, авиалайнерларни техник эксплуатация қилиш бўйича 10 та фан бакалаврликда, 6 та махсус фан эса магистратура мутахассисликларини чуқур эгаллашда асос бўлиб хизмат қилаётганини айтиб ўтмоқчимиз. Албатта, ана шу фанлардан ҳар бир талаба ўзига керакли миқдордаги билим заҳирасини олиши керак ва бу жараёнда унинг соха асосларини қай даражада эгаллаганлиги ҳам баҳолаб борилади.

Талаба билимини баҳолаш таълимнинг ажралмас, таъбир жоиз бўлса, кўзланган мақсаднинг инъикоси сифатида ҳам тан олинади. Бир ўқув йилидаги икки семестр оралиғида талабаларнинг рейтинг кўрсаткичлари турлича намоён бўлаётганини кузатиш мумкин. Чунки беш қўл баробар эмас, яъни бир талабанинг эгаллагани иккинчисиникидан кўпроқ бўлиши ёки аксинча ҳолат кузатилиши ҳам табиий бир ҳол.

Биз биламизки, рейтинг тизимида назоратнинг уч хил шаклига мурожаат қилинади: жорий, оралиқ, якуний. Уларнинг бирини иккинчисидан устун ёки паст ҳам қўйиб бўлмайди. Талаба назоратнинг ҳар бир турида фаол иштирок этсагина, зарур миқдордаги баллни тўплай олади. "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида намунавий Низом"да кўрсатилишича, семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар 86-100 фоизда "аъло"га, 71-85 фоизда "яхши"га, 56-70 фоизда "ўрта"га, 55 фоиздан кам миқдорда эса "қониқарсиз" баҳоланади. Аммо шундай ҳолат ҳам бўладики, институт талабаси семестр давомида белгиланган миқдордаги балларни тўплай олмайди. Нима қилинади?

— Аслида бундай ҳолат кўп ҳам учрамайди. Мумкин қадар ҳар бир талаба курсни пухта ўзлаштиришга, келажаги учун зарурий билимни эгаллашга ҳаракат қилади. Агар талаба жорий ва оралиқ назоратда зарурий баллни йиға олмаса, у ҳолда факультет ёки институт илмий кенгаши томонидан қабул қилинган тартиб асосида умумий бали 50 фоиздан кам бўлмаган рейтинг даражаси асосида қайта синовлар ўтказилади. Дарсда баъзи сабабларга кўра талабанинг бўлмаслиги жорий ва оралиқ назорат балларини йиға олмаслиги учун замин яратиб қўяди. Бу фақат қўшимча дарслар ўтиш орқалигина бартараф этилади. Албатта, бунда мустақил иш ҳажмидан фойдаланилади, яъни қўшимча топшириқлар берилади, рефератлар ёздирилади.

Ўқув ва услубий ишлар бўйича ректор муовини, техника фанлари номзоди, доцент Сирожиддин Турсунов мулоҳазаларини тинглай туриб, рейтинг тизими таълимда нафақат анъанавий усулларга таяниши, айни пайтда у янги технологиялар жорий қилинишини ҳам тақозо этиши кўнглимиздан ўтди. Шу ўринда институтнинг "Авиатармоқда маркетинг" кафедраси мудири М.Отақулов таклифига биноан, талабалар билимини оширишнинг ноанъанавий усуллари тавсия қилингани характерли мисол бўла олади. Бунга кўра, очиқ ва муқобил саволлар тўплами асосида интерфаол тренинг жорий қилинмоқда. Бу усулда асосий диққат-эътибор рейтинг тизимини тўла қамраб ололмайдиган яъни талабанинг назарий билимини амалий жараён билан боғлай оладиган бўлакларни тўлдиришга қаратилган.

Рейтингнинг якуний баҳолаш турида, айрим фанлардан талабанинг билими ёзма равишда синаб кўрилмоқда. Бунга доир кўрсатмалар эса худди шу мақсадга қаратилган меъёрий ҳужжатга асосланади. Авиация институтида ҳам барча олий таълим муассасалари сингари фақат бир семестрда ўқитиладиган ёки иккинчи семестрда ҳам ўтиладиган фанлар бор. Якуний назоратдан ёзма шаклда топшириладиган фанлар сирасига "Олий математика", "Физика", хорижий тиллар киради. Якуний назоратнинг ёзма усулида талабага тест ёки саволлар тақдим қилинмоқдаки, жавобда уларнинг билим даражаси аниқланиб, баҳо қўйилмоқда.

— Биз баҳолаш тизимида фақат ўз қобиғимизга ўралиб олмаслигимиз керак. Бу жуда тор доирадаги фаолият бўлиб қолади. Блумнинг билим олиш соҳасидаги ўқув мақсадлари таксономиясини ўрганишга бағишланган семинар факультетимизда яқиндагина ўтказилди. Тўғри, айрим ёши ўтиб қолган ўқитувчиларимиз Блум назариясини фақат педагогика йўналиши учунгина мослигини таъкидлашади. Лекин эндигина ўз фаолиятини бошлаган 10 нафардан зиёд ёш ўқитувчилар. Блум томонидан илгари сурилган **билиш, тушуниш, таҳлил, синтез, баҳолаш** жараёнларини қизиқиш билан эътироф этмоқдалар, — дейди авиакоинот факультети декани Абдуҳалил Ёқубов.

— Биз рейтинг тизимининг афзалликлари хусусида кўп гапиряпмиз. Аммо рейтинг ҳар қандай ҳолатда ҳам қўл келиши қийин. Масалан, факультетимиздаги 150 чоғли талаба тўлов-контракт асосида ўқийди. Агар улар тўловни амалга оширмаса, дарсга қўйилмайди. Ўз-ўзидан маълум, бундай ҳолда у жорий ёки оралиқ назоратдаги балларни бой беради. Бу ҳолатда мустақил билим олиш — реферат, амалий мисолларда талабанинг бой берган имкониятлари ўрни қопланмоқда.

Рейтинг тизимини амалдаги ҳолатида сақлаб туриш керакми ёки уни такомиллаштиришга тааллуқли таклифлар пайдо бўлаётган бўлса, инобатга олиш лозимми? Бу ўринда иккинчи ҳолат тош босишини унутмаслик керак. Чунки рейтинг тизимининг жорий этилишида ўзига хос муаммолар юзага келмоқдаки, уларни бартараф этиш ана шу таклифларга боғлиқдек тасаввур ҳам уйғонади. Яхшиси, бу ҳақда институт кафедра мудирларининг, деканларининг фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Н.Абдужабборов — "Меҳнатни муҳофаза қилиш" кафедраси мудири:

— Рейтинг тизимида талаба билимига дифференциал баҳо берилади. У имтиҳон ёки синовга ўқув даври мобайнида тайёргарлик кўриб боради, бу яхши. Лекин талабалар ҳар хил. Уларнинг айримлари бюджет таълимида ўқишади, лекин баҳолари паст. Айрим тўловконтракт билан ўқийдиган талабалар борки, баҳолари юқори.

С.Ҳасанов — фуқаро авиацияси факультети декани:

— Якуний назоратни ҳар томонлама таҳлил қилиш керак, деган мулоҳазалар бор.

М.Отақулов — "Авиатармоқда маркетинг" кафедраси мудири:

— Рейтинг тизими ўқитувчилардан кўп вақт талаб қилади. Ваҳоланки, уни амалга оширишга кетадиган вақт сарфи ўқув юкламасида реал белгиланмаган. Демак, ўқитувчи ўз вақтини тежаб, унга ижобий ёндоша олмайди. Натижада рейтингнинг аҳамияти пасайиб, самарасиз формал жараёнга айланмаяптимикан!

А.Суяров — умумтехника фанлари факультети декани:

— Рейтинг балларини каср сонларда эмас, балки бутун сонларда ифодалаш кўп жиҳатдан қулайлик туғдиради. Якуний назоратни жонли мулоқот тарзида олиб боришни ҳам таклиф қилган бўлардим.

С.Турсунов — ўқув ишлари бўйича проректор:

— Якуний назорат учун кўпроқ вақт берилиши лозим, деб ҳисоблайман. Бунинг учун якуний назорат топшириладиган фанларнинг сони чегараланиб, 5-6 тадан 3-4 тага келтирилиши лозим. Ҳар бир фандан якуний назорат топширишда улар орасидаги вақт 3-4 кундан кам бўлмаса эди, талабанинг ўз фикрини тўлароқ, батафсилроқ ифода этиш имконияти кенгайган бўларди. Якуний назорат оралиғини деярли 3-4 ҳафтага етказиб, ҳар бир гуруҳда алоҳида-алоҳида ўтказиш яхши натижа берарди.

x x x

"Рейтинг" иборасини биз кўпинча, таълимдан ташқари ҳолатларда ҳам қўллаймиз. Ва бу тушунча жуда кенг маънони қамраб олганини ҳам эътироф этамиз. Лекин таълим соҳасидаги "рейтинг"нинг аҳамияти ва имкониятлари чексиз. Бир жиҳатдан у кўпроқ наф келтирувчи, иккинчи жиҳатдан айрим муаммоларни юзага келтирувчи жараён ҳам бўлиб қолмоқда. Хусусан, буни Тошкент Давлат Авиация институти тажрибаси мисолида назардан ўтказишга ҳаракат қилиб кўрдик. Албатта, ҳар бир масалага ҳар ким билдирадиган муносабат турлича. Фикрларнинг хилма-хиллигини эса инкор эта олмаймиз. Бинобарин, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таъкидланган... **юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш"** масаласининг рўёбга чиқишида, биз қаламга олган баҳолаш тизими, шубҳасиз ўз ўрни ва аҳамиятига эгадир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Афсуски, баъзи бир ота-оналарга фарзандларига китоб харид қилиш учун бир сўм харажат қилиш оғир туюлади. Аммо тўйига минглаб сўм сарфлашга тайёр.

Зеро, Президентимизнинг: “Қаерда мафкуравий бўшлиқ ҳосил бўлса, ўша ерни бегона ғоя тўлдиради,” деган ўгитларини доимо ота-оналар ёдда тутишлари шарт.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ КИМНИКИ?

Ta'kid

Ибратли тарихий воқеа: 1898 йили Тошкент бойлари йиғилган бир кенгашда болалар учун китоб чоп этиш масаласи қўйилади.

Мунаввар қори ва яна кўп миллатпарварлар далолати ила бойлардан китоб харжи учун 500 сўм йиғилади ва уни китоб чоп қилиш учун матбаачи Ғулом Орифжоновга беришади.

500 сўмнинг қадр-қимматини билиш учун ўша даврдаги нархларга мурожаат қилсак.

Бир қўшоқ қўй 8-10 сўм бўлган, бир қўшоқда эса ўнта қўй бўларди...

Чоп қилинган китоблар сотилади. Бой болаларига бир сўмдан ўн тийингача, камбағал болаларига эса текинга. Йиғилган пул яна китоб чоп қилишга сарф қилинади.

Сотилган китобларнинг пули домлалар орасида талон-тарож бўлиши мумкин эмас эди. Негаки, миллатимиз болаларига китоб ҳаводек зарурлигини жуда яхши билардилар, амал қилардилар ва шунга интилардилар. Миллатга китоб зарур...

Қай миллат бўлмасин асрлаб китоб хазинасини йиғади. Янги авлод савод чиқариб бу хазинани эгаллайди. Бизда эса ҳозир бу хазинани қайта тиклаш муаммоси турибди.

Янги мустақил давлатнинг елкасига асрий миллий қадриятларни қайта тиклаш зарурияти юкланди.

Бунга бизда имконият бор. Аср бошида биз мингта китоб чоп қилишни катта воқеа деб ҳисоблардик, ҳозир эса бу ҳол одатийга айланди.

Афсуски, баъзи бир ота-оналарга фарзандларига китоб харид қилиш учун бир сўм харажат қилиш оғир туюлади. Аммо тўйига минглаб сўм сарфлашга тайёр. Орзу-ҳавас, тўй-ҳашамларга пулни аямаймиз. Болаларга келганда эса нолишга тушамиз.

Болаларга битилган китобни катталарга реклама қилиш керак!

Маблағ масаласига келсак бу ҳол жуда ҳам нозик ва мураккаблиги бор. Сабаби, Президентимиз айтганидек, боқимандачилигимиз бор. Маблағ ажратилдими, уни жуда осон ва тез ўзлаштирамиз. Афсуски, бизда нашрлар рейтинги ва маркетинг хизмати ҳақида аниқ ва тиниқ маълумотни мен кўрмадим. Ҳолбуки, тараққий этган давлатларда бу ҳар ҳафтада эълон қилинади, кўп ва хўб битилади, таҳлил ва тафтиш қилинади.

Аниқроғи, матбуот жамиятга қандай китоб кераклиги ва уни қай ёзувчи битиши лозимлиги ва қандай чоп қилинишини саралаб, танлаб беради.

Китоб савдосида энг ёқимсиз, энсани қотирадиган иллат бор. Баъзи ишбилармонлар менга келиб “Ҳамма китобингизни сотиб берамиз. Тоғам пенсия бўлимида бошлиқ. Пенсиядан чегириб қўлига китоб берамиз” деганда қўрқиб кетдим. Китобга меҳр қўймаса, унинг қадр ва қимматини билмайдилар ва мажбурлаб сотиш ёмон асорат қолдиради.

Биз болалар учун жуда кўп китоб чоп қилишимиз керак, аммо маблағни ким беради?

Бу улкан юмуш биргина нашриёт ёки вазирликлар, алоҳида қўмиталарнинг иши эмас, балки бутун жамиятнинг иши. Болалар адабиёти — ҳамманинг адабиёти.

Хуллас, болалар учун китоблар, жумладан, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги китобларни янада кўпайтиришимиз, уларни чоп этиш учун ҳомийларни кўпроқ жалб қилишимиз лозим.

Акбар ЮНУСОВ

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ:

КУЗАТУВЛАР НАТИЖАСИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

Ta'dqiqot

Маънавият — давлатнинг, жамиятнинг куч-қувватидир. Бу ғоя кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтаётган Ўзбекистон учун жуда муҳим. Шу боис Республикамиз раҳбарияти шахс, оила ва жамият маънавиятини юксалтиришга қаратилган изчил сиёсатни давом эттираётирки, бунинг натижалари барча муассасалар фаолиятида ўз аксини топаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил февраль ойидаги 54-сонли қарори билан Республика “Оила” илмий-амалий марказининг ташкил қилиниши оила маънавиятини ўрганиш ва такомиллаштириш йўлида янги имкониятларни очиб берди. Шу имкониятлардан кенг фойдаланиб, шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилаётган ҳар бир оилага миллий истиқлол маънавиятини олиб кириш, учраётган муаммоларни илмий асосда ўрганиш, уларнинг ечимларини биргалашиб қидириш мақсадида Республика “Оила” илмий-амалий маркази вилоятларда ижтимоий-педагогик тадқиқотлар дастурини тайёрлади.

Дастур оила маънавиятининг долзарб йўналишларини қамраб олди. Наманган вилояти туманларида 500 респондент билан ўтказилган сўровлар давомида оилаларнинг реал ижтимоий-иқтисодий ҳаётини холис акс эттиришга ҳаракат қилинди. Сўровномадаги саволлар оиланинг ҳар бир аъзоси хусусиятларини назарда тутган ҳолда тузилди. Шу тариқа респондентлар сифатида бобо-буви, ота-она, келин-куёв, ўғил-қизларнинг реал таркиби қамраб олинди. Айни пайтда вилоят миқёсида ўтказилган бу сўровнома шаҳар ва қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган оилаларнинг ҳозирги маънавий муҳитини ўрганиш имкониятини яратди.

Фуқароларнинг ўз турмушига муносабатлари оиланинг маънавий муҳитига бевосита таъсир қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, улардан дастлаб ўз оилавий турмушидан мамнун ёки норозилиги сўралди. Аёлларнинг 89,6 фоизи ўз оиласидан мамнунлигини айтишган. Бунинг боиси деб оиладаги аҳиллик (32,2 фоиз), эр-хотин ўртасидаги садоқат, ўзаро меҳрда (50,4 фоиз), фарзандлардан кўнгиллари тўқ эканлигини айтдилар. Оилавий ҳаётидан норозилар эса 10,4 фоизни ташкил қилади. Бунинг сабабини, сўралганда, аввало, севган кишиси билан турмуш қура олмаганликларидан, деб ҳисоблайдилар. Сўралганларнинг 7 фоизи фарзандларининг феъл-атвори, хулқидаги камчиликлардан ташвиш билдиришган. Эр-хотиннинг оилавий муносабатлари кўнгилдагидек эмаслиги ҳам (3,4 фоиз) қайд этилди.

Оиланинг маънавияти ота-онанинг маънавий салоҳиятига, ўзаро муносабатларига боғлиқ. Ҳар бир кишининг маънавияти нима яхши ва нима ёмон, нимани севиш, нимадан нафратланиш, кимга ўхшаш, кимга ўхшамаслик керак каби саволларга қандай жавобни тўғри деб ҳисоблашида, кимни ва нима учун идеал деб билишида ва амал қилишида намоён бўлди. Эрингиздаги ёки хотинингиздаги қайси фазилатлар сизга кўпроқ ёқади, деган савол оила маънавиятининг марказий масаласи — муносабатлар маънавиятини ўрганишга қаратилди.

Аёлларнинг аксарияти эрларига муносабатда миллийлик, инсонпарварлик хусусиятларини муҳим санашади. Шу сабабли эрнинг меҳрли оилабоши бўлиши аёллар томонидан энг муҳим (68,8 фоиз) фазилат сифатида қадрланади. Эрнинг ўз касб-корига эга бўлиши ҳам, хотинининг назарида, унинг ҳурматини оширувчи омил эканлиги (31,2 фоиз) қайд этилди.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий ислоҳотлар даврида оила иқтисодиёти, пул топиш, рўзғор тебратиш муаммоси бозор иқтисодиётининг янги талаблари асосида ҳал қилинмоқда. Бир қарашда, бундай шароитда эрнинг вазифаси пул топиш, оилани боқишдан иборатдек кўринади. Бироқ масалага оиланинг маънавий бойлиги, истиқболи нуқтаи назаридан қараганда, аёлларимиз маънавий бойликни моддий фаровонликдан устун қўядилар. Шу боис, эрнинг кўпроқ пул ишлаб топишини атиги 8 фоиз аёллар ёқлаб овоз беришди.

Оиланинг мустаҳкамлиги эрхотиннинг маънавий фазилатлари уйғунлигига таянади. Бу жиҳатдан нафақат хотиннинг эрга, балки эрнинг хотинга муносабатларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу мақсадда эркакларга: “Хотинингизнинг қайси фазилатларини ёқтирмайсиз?”, деган савол билан мурожаат қилинди. Олинган жавоблардан эр-хотин муносабатлари, расман турли кўриниш касб этса-да, моҳиятан маънавий фазилатларга бориб тақалиши аён бўлди. Бу эса мамлакатимиз раҳбариятининг маънавиятни англаш, уни миллий истиқлол ғояси билан бойитишга қаратилган маърифий сиёсатининг нақадар долзарб эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Эрларнинг бир қисми (12,6 фоиз) хотинларда учраётган мол-дунё, бойликка ўчликни, ортиқча харажатли тўй, маърака, йиғин ўтказишга мойилликни ёқтирмасликларини баён қилишди.

Фарзанд нафақат ота-онанинг биологик маҳсули, балки маънавий маҳсули ҳамдир. Чунки фарзанд қош-кўзи, юриш-туриши, балки кейинчалик феъл-атвори, маънавиятига кўра қайсидир жиҳати билан отасига ёки онасига ўхшаб туради. Ота-она ўғил-қизларнинг келажакда бирор касбҳунар эгаллаб, обрўли киши бўлишини орзу қилишади. “Фарзандингизнинг ким бўлишини истайсиз?” деган саволга олинган жавоблар шундан далолат беради. Сўралганларнинг катта қисми фарзандларининг ўқитувчи, ҳунарманд, ишчи бўлишини (46,0 фоиз) ва бизнесмен, шахсий мулк эгаси ёки фермер бўлишини (28,4 фоиз) исташади. Бундан қандай хулосага келиш мумкин? Аввало, ота-оналарнинг истак-хоҳишлари, ниятлари, фарзандларидан кутаётган умидлари билан давлатимизнинг ёшлар сиёсатига оид чиқараётган фармон, қарор ва дастурий ҳужжатлари мазмуни ўртасида уйғунлик ўз тасдиғини топмоқда.

Оила ва шахс маънавиятига нима кўпроқ таъсир этади? Бу ҳақда ота-оналар қандай фикрдалар? Тадқиқот давомида оналар миллий маънавиятимиз манбаларини яхши билишларини намойиш қилганлар. Сўралганларнинг 50 фоизи миллий маънавият манбаи илм, адабиёт ва санъат эканлигини қайд этишди. Сўралганларнинг 22,4 фоизи оила ва шахс маънавиятига дин, диний адабиётлар, диний урф-одатлар, спорт машқлари, саёҳат, мулоқот кўпроқ таъсир қилади, деб ҳисоблайдилар. Респондентларнинг қолган 21,6 фоизи бу саволга аниқ жавоб бера олмадилар.

Бу натижа атрофлича мулоҳаза юритишни талаб қилади. Гап шундаки, респондентлар илм, адабиёт, дин, диний адабиётлар, диний урф-одатлар, спорт машқлари, саёҳат ва мулоқотни алоҳида таъкидлашди. Демак, бундан буён турли тадбирларни комплекс ҳолда ташкил этиш керак. Ана шунда оила, фуқароларнинг санъат ва илмга бўлган қизиқишларини қондириш мумкин. Шу билан бирга диний ақидапарастлик, турли бузғунчи ғояларнинг оилаларга кириб боришига тўсиқ қўйилади.

Ўзбекистонда ёш авлод, ўғилқизлар ўзларининг бўш вақтларини қандай ўтказишмоқда? Респондентлардан олинган жавоблар мазмунини қониқарли дейиш қийин. Сўралганлар ўз фарзандларининг бўш вақтларида кўчада ўйнашини, спорт билан шуғулланишини, чет тилини ўрганиши, китоб ўқиши, дарс тайёрлаши (42,2 фоиз), телевизор кўришини (41,8 фоиз), мусиқа чалишни ўрганишини, бизнес, чорва, деҳқончилик билан шуғулланиб оилага ёрдам беришини (16,0 фоиз) айтишди. Бу жавобларда холисликдан кўра ота-онанинг фарзандига меҳри, фарзандини яхшироқ кўрсатиш истаги устунлик қилади.

Тажриба бундан буён социологик сўровномани тузишда нафақат ижобий, балки салбий ҳолатларни билиб олишга қаратилган саволларни ҳам киритиш лозимлигини кўрсатмоқда. Чунки инсон ҳаёти давомида нафақат ижобий, балки салбий ҳодисалар билан ҳам тўқнаш келади. Демак, маънавий-маърифий фаолият нафақат ижобий фазилатларни фарзандларга сингдиришда, балки салбий, шахс, оила, миллат, давлат учун зарарли таъсирларга қарши курашишга ҳам махсус йўналтирилиши керак. Тадқиқотлар оила тарбиясида айнан шу жабҳада бўшлиқ мавжудлигини кўрсатди. Бу бўшлиқ миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга қаратилган амалий тарбия билан тўлдирилмоғи лозим. Зеро, Президентимизнинг: “Қаерда мафкуравий бўшлиқ ҳосил бўлса, ўша ерни бегона ғоя тўлдиради,” деган ўгитларини доимо ота-оналар ёдда тутишлари шарт.

Хўш, оилада қайси кўрсатув дастурларини, фильмларни кўришни ёқтиришади? Жавоблар хилма-хил: сўралганларнинг 11,8 фоизи ахборот-таҳлил, 47,6 фоизи маънавий-ахлоқий, диний, 40,6 фоизи мусиқий ва кўнгилочар бадиий сериалларни севиб томоша қилишаркан. Сўралганларнинг фақат 8,4 фоизи газета-журналларни мунтазам ўқишларини, 2,8 фоизи эса аҳён-аҳёнда ўқишини айтишди. Демак, бу ҳолат сабабларини чуқурроқ ўрганиб, маънавиятни янгилаш, бойитиш, истиқлол мафкураси билан кучлантиришнинг янги, ноанъанавий шакл, услуб, воситаларини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун кутубхоналар фондини бойитиш, кутубхоналарнинг оилалар билан ҳамкорлигининг янгича шаклларини жорий этиш лозим бўлади.

Оиланинг ижтимоий-иқтисодий баркамоллигини таъминлашда урф-одатлар, анъаналар, расмсумлар муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, “Маҳаллангизда қайси анъана, урф-одатлар маъқул, қайсиларини эса бажариш шарт эмас, деб ҳисоблайсиз?” деган саволга ота-оналарнинг катта қисми (67,2 фоиз) суннат тўйини ўтказиш шарт, деб жавоб беришди. Амал қилишни шарт деб ҳисобланаётган анъаналардан яна бири — ҳашар.

Рақамлар таҳлили ота-оналарнинг анъанавий урф-одатларни қадрлашларини кўрсатди. Демак, оила маънавиятини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш халқимиз онгига сингиб кетган ва ҳозир ҳам қадрли анъаналарни замонавийлаштириб, улардан оилани, миллий бирлигимизни мустаҳкамлашда фойдаланишимизни тақозо қилади. Чунки бешик тўйи, маҳаллага тўй бериш, маърака оши, қариндош-уруғларни таклиф этиб, ўтказиладиган тўй, куёв чақириқ диний эмас, миллий анъаналаримиз, маъракаларимиздир. Албатта, бу тадбирларнинг файзи уларга сарф қилинган маблағ миқдорида эмас. Камтарлик, самимийлик, маънавий мазмун тўй маъракаларнинг асосий тамойиллари бўлиб қолмоғи керак.

Саволлардан яна бири маҳаллангиз номини, тарихини биласизми, деган мазмунда эди. Респондентлардан 44,6 фоизигина “ҳа” деб жавоб беришди, холос. Бу кўрсаткични қониқарли, деб бўлмайди. Чунки ўз қишлоғи, маҳалласи тарихини, унда яшаган фидоий инсонларни билмай туриб, фарзандларида Ватанга муҳаббат, аждодларга самимий ҳурматни шакллантириб бўлмайди. Ушбу саволга аниқлик киритиш учун ота-оналарга “Аждодларингиздан нечтасини санай оласиз? Улар қандай касб билан шуғулланганлар?” деган савол билан мурожаат қилинди. Олинган жавоблар қониқарсиз. Чунки ўзининг икки аждодини сўралганларнинг 68,8 фоизи, 3 аждодини 24,4 фоизи, 4 аждодини 5,6 фоизи ва 5 аждодини 1,2 фоизигина айта олдилар.

Демак, оила маънавиятини янгилаш, юксалтиришга қаратилган ҳозирги чора-тадбирларимизда ана шу хусусиятлар инобатга олинмоғи лозим.

Ғ. ЖЎРАБОЕВ,
Наманган Давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди,
Н.КАРИМОВА,
тадқиқотчи

Aks-sado

ТЕЖАМКОР ТОҒАМ...

Газетанинг шу йил 8 январь сонида чоп этилган “Иқтисоднинг зидди исрофдир” сарлавҳали мақолани оиламизда ўқиб, муҳокама қилдик, баҳслашдик. Шунда мен тоғамнинг тежамкорлик борасидаги ибратли ишларини эслаб, болаларимга гапириб бердим. Ана шу воқеаларни азиз муштарийларга ҳам раво кўргим келди.

Тоғамнинг умри далада ўтди. Қўлидан кетмони тушмади. Беш ўғлини уйли-жойли қилиб, уч қизини узатди. Тоғам билан сўрашсам, бармоқлари қўлимга тарашадек дағал тегарди. Бўйин терилари ажиндаи қовун тўридек бўлиб кетганди. Аммо юзлари қизил, соқоли оппоқ, қадди тик эди. У киши ҳафтада бир марта шаҳарга тушарди. Саййидил айём намозидан сўнг Асака шаҳрининг гавжум ерига жойлашган ошхонага келарди. Чунки бу ерда кенжа ўғли ошпазлик қилар, дадасини бир коса хуштаъм овқат билан сийлаб, дуосини оларди.

—Дада, —дерди ошпаз ўғли киссасини ковлаб пул чиқараркан, —автобусга чиқиб қийналиб юрманг, мана пул, таксига ўтиринг, шундоқ уйга элтиб қўяди.

—Раҳмат, болам, — деб тоғам пулни оппоқ яктагининг чўнтагига солар ва ташқарига чиқиб шу пулга набираларига ул-бул ширинлик харид қилар, қатор турган таксилардан ўтиб, автобусга минарди.

—Тоға, нега тайёр таксилар турганда автобусда келасиз? Ахир, ўғлингиз такси пулини берса, — дея ўсмоқчилардим.

—Жияним, шу сўз қулоғингда турсин. Ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Жумладан, пулнинг ҳам. Пассажирда (тоғам автобусни “пасажир” дерди) биттанга билан келаман. Лўккавой бўлса (такси демоқчи) беш сўм олади. Худога шукур, етти мучам соғ, оёғим бутун. Бир-икки чақирим яёв юрсам нима қипти? Ўғлим берган пулда жужуқларнинг ҳам насибаси бор-да. —Тоғам кулимсираб қўшиб қўярди: —Қайси уловда юрганимни ўғлим билиб ўтирибдими...

Тоғамнинг ўша ошпаз ўғли янги уй қурмоқчи бўлди. Хом ғишт қуйиш учун шаҳардан икки мардикор олиб келди. Хомаки ҳисоб-китоб билан 15 минг дона ғиштнинг пули каттагина рақамга айланди. Воқеадан хабар топган тоғам эртасига мардикорларни ишини кузатди, думалаб ётган иккита бўш шишага кўзи тушдию, пешонаси тиришди. “Меҳмон”-ларнинг жавобини берди. Бу ишдан ранжиган ўғлига деди:

—Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, — деган гап бор. Сен ғишт учун тўлайдиган пулга етмиш дона шифер келаркан. Бу билан уйнинг томи ёпилади. Ана, икки ўғлинг кўча чангитиб юрибди. Акаларингда ҳам уч-тўрттаси бекор, ғиштни ўшалар қуяди. Мардикорларинг ичадиган ароқ пулига гўшт олиб кел, хашарчиларга қўл бола шўрва қилиб бераман. Энди ишни ўзим назорат қиламан.

Шундай бўлди. Етти нафар ўсмир белгиланган ғиштни бир ҳафтага қолмай қуйиб қўйишди. Эртаси куни 70 дона шифер териб қўйилди...

Баъзилар тоғамни “ҳасис чол”га чиқариб қўйишарди. Йўқ, тоғам хасис эмасди, исрофни ёмон кўрарди, янада тўғрироғи, исрофдан қўрқарди.

Қани энди, ҳар бир оила бошлиғи тоғамга ўхшаса. Яна ким билади. Мен янглишаётгандирман. Буни ҳаёт, дейдилар. Бировнинг одати бошқага андоза бўлмайди. Нима бўлганда ҳам мен ота бўлиб, оила бошлиғи сифатида тоғамнинг тежамкорлик борасидаги ўзим гувоҳи бўлган воқеаларни бот-бот эслайман, бошқаларга ҳикоялашдан чарчамайман.

Абдулаҳад ЎРМОНОВ,
Асака туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси

ХИВА — ПОКИЗА ШАҲАР

Taassurot

Қишки таътил кунларида мен тилло топиб олгандек, жуда хурсанд бўлдим. Дадам Хоразмга сафарга отланаётганлигини билиб, мени ҳам бирга олиб кетишларини илтимос қилдим. Чунки Хоразмни, айниқса, Хивани фақат китоблардан ўқиганман, ўзини кўришга иштиёқманд эдим. Дадам бироз ўйланиб турибдилар-да, “Хўп, майли” дедилар.

Самолётда кетяпмизу нуқул пастга қарайман Хоразмни тепадан кузатмоқчи бўламан. Пастда эса паға-паға фақат булутлар сузиб юрган бўлади.

Урганч мен тасаввур қилганимдан ҳам гўзал экан. Биз биринчи куни Шовот канали ёнидаги “Жайхун” меҳмонхонасида тунадик. Кечки овқатдан кейин каналнинг шундоқ ёнида бунёд этилган Жалолиддин Мангуберди зиёратгоҳида бўлдик. Улуғ саркардага ўрнатилган ёдгорлик ниҳоятда салобатли ва улуғворлигидан ҳайратдан ёқа ушладим.

Каналнинг иккинчи томонидан эса машҳур “Авесто” боғи. Китобга қўйилган улуғ ҳайкал ва унга битилган ҳикматлар одамнинг ақлини шоширади. Энг қувончлиси, бу боғ хиёбонлар хоразмликларнинг доимий зиёратгоҳига айланиб қолганлигида. Улар нафақат ҳордиқ чиқариш учун, балки маънавий қувват ва руҳий озуқа олиш учун бу ерга келадилар.

Маҳобатли маъмурий бинолар, кенг ва ёруғ кўчалар, қайта таъмирдан чиққан ва янгича либос кийган Амир Темур номли парк, бир-бири билан ҳусн талашаётган банк муассасалари, турфа ранг бозору тижорат дўконлари — қай бирини айтай, бобомиз Мир Алишер таъкидлаганларидек, Урганчнинг “бошдан оёғи гўзал”.

Мен илгарилари Хивадаги ёдгорликлар алоҳида-алоҳида деб ўйлардим. Хива бус-бутун қалъалар шаҳри экан. Хива Хоразмнинг кўз қорачиғи, Шарқ гавҳари деганларича бор экан. Шу аснода мазкур шаҳарнинг 2500 йиллик тўйида Юртбошимизнинг айтган гапларини эсладим: “Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар — мамлакатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш гўзал Хивамиз дунё тургунча турсин!”. Ана шуларни ўйлаб мен ҳам юзларимга фотиҳа тортдим.

Ичон қалъада уста дурадгорлару ёғоч ўймакорлар, чилангарлар, пўстиндўзу наққошлар санъатидан баҳраманд бўлиб, Паҳлавон Маҳмуд мақбарасига келиб қолганлигимни сезмабман. Қорилар узундан-узун тиловат қилишди, юзларимизга фотиҳа тортдик: “Илоҳим Паҳлавон бобомизнинг руҳи поклари ўқишу ишларимизга мададкор бўлсин!”. Мақбара ҳовлисидаги қудуқдан сув ичдик — руҳимиз покланди. Энг қизиғи, биз бу ерда тўда-тўда бўлиб юрган сайёҳларни ҳам учратдик. Дадам таржимон орқали уларнинг Хива ҳақида таассуротларини сўраган эди, Фарангистонлик фан доктори Махтин Шуфон хоним шундай деди.

— Хива — мўъжизавий шаҳар экан. Меъморчилигини қаранг, нақадар мураккаб ва ақл бовар қилмас санъат бу. Гарчанд олим бўлсам-да, уларни таҳлил қилишга кучим етмаяпти. Қойил қоладиган яна бир томони — Хива тоза шаҳар экан. Европада бундай покиза шаҳар йўқ.

Шу пайтда мен бу гаплардан ғурурланиш ўрнига нима учундир уялиб кетдим. Ўша хоним мени гапга тутиб қолмасин деб, ўзимни дадамнинг панасига олдим. Нега? Чунки у узоқ Франциядан Хивани тавоф этишга келибди, шаҳар ҳақида таассуротлар, маълумотлар тўплабди. Мен эса шундоқ Тошкентда яшаб Хивага биринчи бор келишим. Хўп, менку дадам билан келиб кўрдим, синфдошларим-чи? Уларнинг ҳаммаси ҳам Хива ҳақида тассаввурга эгами? Менимча, йўқ. Шунда ўйлаб қолдим: дунёни ларзага ва ҳайратга солгувчи шунча шаҳарларимиз, кўҳна ва гўзал жойларимиз бору аммо уларни ўзимиз яхши билмаймиз.

Иккинчи кун биз Хивадаги “Арқончи” хусусий меҳмонхонасида бўлдик. Назаримда, у ердаги шарт-шароитлар Тошкентдаги баъзи меҳмонхоналардан устун ва қулай. Меҳмонхоналарда қатор-қатор компьютерлар бўлиб, барчаси интернетга уланган. Хизматчилар рус, инглиз тилларида сўзлаша олади. Кечга яқин санъаткорлар концерт беришди. Айниқса, чўгирма кийган ёш раққосга қўшилиб, хорижлик сайёҳларнинг ҳам рақсга тушиб кетганлиги хаёлимдан ҳеч қачон фаромуш бўлмаса керак.

Шунингдек, биз Исфандиёрхоннинг ёзги дам олиш маскани — Дишан қалъани, Отажонтўра мадрасасини ҳам кўрдик, Айниқса, Отажонтўра мадрасасида фаолият кўрсатаётган ёғоч ўймакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат устаси Ҳайитмат Боғбеков ва шогирдларининг иши менда катта таассурот қолдирди.

Хуллас, Хоразм сафаридан Америка қитъасини кашф этган Колумбдек беҳад хурсанд бўлиб қайтдим. Олам-олам таассуротлар етмагандек, самолётнинг иллюминаторидан яна пастга қарайман. Пастда эса ўтмиш ва бугуннни қучоқлаб порлоқ истиқбол сари бораётган истиқлол фарзанди — янги Хоразмни кўраман ва қўлларимни силтаб у билан хайрлашаман.

Муштарий БОЛИЕВА,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги лицейнинг 11-синф ўқувчиси

Бахтимиз Қомусини барча ёшдаги ватандошларимиз, боғча тарбияланувчиларидан тортиб, кексаларгача яхши билишлари керак. Айниқса, катта йўл бошида турган ёш авлод шу муҳим ҳужжатни юрак-юракдан англамоғи шарт.

МАКТАБДА ФИЗИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Тойлоқ туманидаги 46-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Исомиддин Аллабердиевнинг шу номдаги қўлланмаси Тошкентдаги "Маърифат-Мададкор" нашриётида педагогика фанлари доктори, профессор Р.Жўраев таҳрири остида босмадан чиқарилди.

Қўлланмада ўрта мактабларда физика фанини ўқитишнинг илғор иш услублари ва технологияси ютуқлари жамланган бўлиб, у муаллифнинг кўп йиллик самарали илмий-педагогик изланишлари маҳсулидир.

Китобда мактабларда физика фанини ўқитиш муаммоларини ҳал этишнинг "Дарсларни режалаштириш мазмуни", "Конференция кўринишида дарс ўтиш", "Масала ечиш кўринишида дарс ўтиш", "Ўйинлар шаклида дарс ўтиш", "Ўқувчилар билимини баҳолаш тизими" сингари ишланмалари 8 та бобда ўзига хос тарзда тавсифланган.

— Мактабларда физика фанининг ўқитилиш аҳамияти унинг фан техника тараққиётида, ишлаб чиқариш соҳасида ва кундалик ҳаётда тутган ўрни билан белгиланади, — дейди И.Аллабердиев. — Зеро, физика фанини ўқитиш ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини, мантиқий тафаккур қила олиш қобилиятини, ақлий ривожланишини, ўз-ўзидан англаш салоҳиятини шакллантириш ва ўстириш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларни таркиб топтириш ҳамда ижтимоий ҳаётлари ва таълим олишни давом эттиришлари учун зарур бўлган билим ҳамда кўникмаларни бериш билан аниқланади. Шундай экан, "Нега республикамизда физика фанини ўқитиш самарадорлиги паст?" деган муаммоли саволни ҳал этиш вазифасини бажариш лозим бўлади. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, "Мактабда физика ўқитиш методикаси" қўлланмасини яратишга жазм этдим. Самарқанд вилоят ҳокимлиги кўрсатган моддий-маънавий ғамхўрликлари туфайли ушбу китобим чиққанлигини таъкидлашни истардим. Ҳомийлар мададидан илҳомланиб, янги назарий дарслик ва қўлланмалар яратишга бел боғладим...

Иқтидорли муаллимнинг юқорида тилга олинган китоби асосан физика ўқитувчиларига мўлжалланган бўлса-да, унинг "Мактаб физика курсида формулалар тизими" деб номланган қисмидан юқори синф ўқувчилари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари талабалари ҳам амалий қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

СИЗ ИСТАГАН СУҲБАТЛАР

Ҳулкар Тўйманованинг яқинда чоп этилган "Яхши тилакларга бешикдир дунё" деб номланган китоби жамиятимизнинг илғор ва довруғли кишилари билан қилинган суҳбатлар, очерклардан иборат. Унинг қаҳрамонлари Сиз билан бизнинг замондошларимиз — таниқли академиклар, машҳур рассомлар, кўзга кўринган ҳофиз ва хонандалар, қизиқчилар ва бошқалардир.

Китоб муаллифи Ҳулкар Тўйманованинг улар билан қилган суҳбатлари маънавий-маърифий характерда бўлиб, муаллиф шу баҳонада қаҳрамонларининг қалб оламига "мўралайди" ва матн орқали меҳмонларни муштарийларга яқиндан таништиради.

"Маърифат" кутубхонаси сериясида, "Маърифат-Мададкор" нашриёти томонидан нашрдан чиққан ушбу китоб ўқувчини машҳур инсонларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, фикрлаши, ақлий салоҳияти билан таништиради.

Уни варақлар экансиз нуктадон шоира Турсуной Содиқова, Кумуш сиймосини яратган истеъдодли актриса Гулчеҳра Жамилова, ёзувчи Тоҳир Малик, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ориф Алимахсумов, давраларга кулгу улашиб юрганлардан Обид Асомов, Эргаш Каримов ва бошқа халқ фарзандлари сиз билан суҳбатга киришади.

Гапни мухтасар қиладиган бўлсак, эл назарига тушган, халқимиз юрагидан жой олган кишилар билан дилдан қилинган суҳбатлар жиндек бўлса-да, Сизнинг маънавий дунёнгизни кенгайтиради. Мутолаа қилиб чиқинг, афсусланмайсиз.

Рустам САЛИМОВ

БУ КИТОБНИ ЎҚИНГ

"Ҳар бир хонадонга кириш учун ҳовлининг дарвозаси бўлади. Шу дарвоза пештоқига, қанотларига қараб қаерга қадам қўйганингизни англайсиз. Конституциямизнинг муқаддимасини ҳам ифодали қилиб дарвозага қиёсласа бўлади". Шундай сўзлар билан таърифланган Конституциямиз ҳақидаги яна бир ажойиб китобча нашрдан чиқди.

Ҳуқуқий демократик давлатда ҳамма ҳаракатларимиз парламент яратган, халқ муҳокамасидан ўтган ва депутатларимиз томонидан қабул қилинган қонунлар воситасида тартибга солиб турилади. Бу қонунлар касб фаолиятига боғлиқ, муайян хизмат турига алоқадор бўлиши мумкин. Ўша қонунларни тушуниш, риоя қилиш учун битта калит бор. Бу —Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.

Бахтимиз Қомусини барча ёшдаги ватандошларимиз, боғча тарбияланувчиларидан тортиб, кексаларгача яхши билишлари керак. Айниқса, катта йўл бошида турган ёш авлод шу муҳим ҳужжатни юрак-юракдан англамоғи шарт. Негаки, Конституциямизда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари, бурчлари, мажбуриятлари тўла-тўкис ифодаланган.

Таниқли журналист Шуҳрат Жабборовнинг "Конституция сабоқлари" туркумидаги мақолаларини мунтазам чоп этиб борди. Ушбу сабоқлар барча учун тушунарли тилда баён қилинганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.

"Янги аср авлоди" нашриёти нашрга тайёрлаб, чоп этган рисоладан олтита сабоқ ўрин олган. Сабоқларнинг ҳар бирида Конституциянинг барча бўлим, боб ва моддалари китобхонга содда ва равон тилда тушунтирилган.



Рисола сўнгида айтилганки, "Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида Конституцияни ҳар бир мамлакатнинг паспортига таққослашади. Модомики, шундай экан, биз ўзимиз яшаётган мамлакат паспортини яхши билмасдан унинг фуқаросиман, аъзосиман дейишга ҳаққимиз борми? Албатта йўқ".

Демак мана шу давлатнинг ҳар бир фуқароси Конституцияни пухта ўрганмоғи шарт. Бу йўлда Шуҳрат Жабборовнинг "Конституция сабоқлари" деб номланган рисоласи уларга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Шарифа МУРОДЖОН қизи



"ГУЛ ИСИ"

Дил дафтарим ўзгаларга очмадим;

Йиллар ўтди ўзлигимдан қочмадим,

Сўзларимни шамолларга сочмадим;

Сатрларим, сиримсиз, — деб сўз боғига қадам қўйган Гулнора илк шеърий тўпламини "Гул иси" деб номлабди. Дарҳақиқат, ҳар гулнинг ўз иси, таровати, мухлиси бўлганидек, ҳар бир шоир, шоира шеърларининг ўз ифори, таровати бўлади.

Гулнора муаллима бўлгани учун унинг мухлислари ҳам кўпроқ муаллимлардир. Фарзандлари камолидан мамнун онани болалик, ёшлик хумори тутади:

Дилбандимда балоғат туси,
Камол топар, гўзалдир ҳусни,
Ёшлик — гўё атиргул иси,
Олтин даврим хумори тутар.

Китобчадаги шеърларда аёл тимсоли асосий ўрин эгаллаган. "Кўзларида оташин меҳр порлаган", "Ғазал ўқиб севгидан бўзлаган", "Тўлин ойдек жилмайган" аёлни шоира ҳаёт кўзгуси, оила юлдузи дея ардоқлайди. Она алласини миллатнинг мумтоз қўшиғига тенглаштиради.

Алла кўҳна қўшиқ, бироқ ҳар бир она қалби уни янгилайди:

Кенжатойим, қўзичоғим,
Тезроқ катта бўла қолгин.
Униб-ўсиб омон бўлгин,
Алпомишдай достон бўлгин.
Алла, алла, аллаё.

Шоира "Туркистоним менинг", "Қардошлар", "Ватанимга ярасин ўғлим" каби шеърларида ўз она юртига муҳаббат ва садоқатини куйлайди. Шунингдек, ўз туйғуларини баъзан ошкора, баъзан "коса тагида ним коса" тарзида ифодалайди:

Тошга айландим, бош туҳматга қолган кун,
Қонга беландим, дўст хиёнат қилган кун.

Тўпламдаги шеърлар сизга маънавий ва руҳий сабоқ бера олиши билан ҳам қадрлидир.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

БЕИХТИЁР ФИКРЛАШГА ЧОРЛАЙДИ

Экология бугун барчани бирдек ўйлантираётган мавзу. География фанлари доктори, профессор А. Нигматов ва Р. Султоновлар айнан мана шу мавзуда қалам тебратиб, "Экология ва ҳаёт" деб номланган китобни ўқувчиларга туҳфа этди. Ушбу мўъжаз тўпламда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг экологияга оид фикрлари жамланган, яъни асарлари ҳамда маърузалари, нутқлари ва суҳбатларидан шу мавзуга оид парчалар келтирилган.



Қўлланма жамиятимизда экологик маданиятни шакллантириш, одамлар қалбида она табиатга муҳаббат, атроф муҳитни асраб-авайлаш каби олижаноб туйғуларни тарбиялашга хизмат қилади, деган мақсадда нашр этилган.

Китоб билан танишар экансиз, бу мақсаднинг амалдаги аҳамиятини англаб етгандай бўласиз. Айниқса, китобнинг биринчи бетида Президентимиз томонидан "Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир",-дея айтилган фикрлар кишини беихтиёр фикрлашга чорлайди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, китобда Орол муаммоси, азон қобиғининг емирилиши, ерларнинг шўрлаши каби экологик муаммолар хусусида етарли далиллар ва уларнинг олдини олиш йўллари кўрсатиб берилган.

Қўлланмани экологик таълим йўналишлари учун тавсия этиш мумкин.

«Kavsar Turdiyeva 1958 yil 6 avgustda Toshkent shahrida ziyoli oilasida tug'ilgan, 1975 yili Chilonzor tumanidagi 201-maktabni oltin medal bilan tugatib, so'ng Toshkent Davlat dorilfununiga (Hozirgi O'zbekiston milliy universiteti) o'qishga kirgan, keyinroq Sankt-Peterburg Davlat universitetida o'qigan.Shu yillargacha hozirgi «Klass» gazetasida muxbir, so'ngra Toshkent pediatriya meditsina institutida o'qituvchi va kafedra mudiri lavozimida ishlab kelmoqda. Uning respublika bolalar nashrlariga qatnab yurgan paytida yozgan ilk she'rlari bolalar she'riyati namunasi edi.

Uning nashrdan chiqqan «Varrak», «O'ynayapman, o'ylayapman», «Qush bo'lib uchgan ona», «Raqamlar bo'ylab sayohat» kabi to'plamlari bolalar qalbining keng va beg'ubor kengliklarini ochib berishga, ularning nozik ruhiy qalb jarayonlarini ko'rsatishga bag'ishlangan. Ammo ana shu jarayonda ma'naviy va axloqiy

BOLALARNING SEVIMLI SHOIRASI

tarbiya bolalar shoirasining diqqat markazidan bir soniya ham nari ketmaydi. K.Turdiyeva «Varrak» to'plami uchun Toshkent viloyati «Yoshlar» mukofoti sovrindori bo'lgan.

Kavsar Turdiyevaning bolalar adabiyoti tadqiqotiga bag'ishlangan ishlari ham talaygina. Uning 1994 yili yoqlagan nomzodlik dissertatsiyasining nomi ham «Hozirgi zamon o'zbek bolalar she'riyatida ma'naviyat muammolari» mavzusiga bag'ishlangan edi.

Kavsar Turdiyeva bolalar kinochiligi sohasida ham ish olib bormoqda. Uning «Zumrasha» hajviy kinojurnali uchun ishlangan «Ma'naviyatli bo'laylik», «Sumalak va tilak» kabi syujetlari turli kino anjumanlarida yuqori baholandi.

U multfilmlar va telefilmlar uchun qo'shiqlar muallifi hamdir. Chunonchi, «Bulbul», «Shertoyning sarguzashtlari» filmlariga yozilgan qo'shiqlarini «Sevinch» va «Tomosha» guruhlari ijro etishgan. Uning she'rlariga taniqli bastakorlar A.Nazarov, M.Mahmudov, Sh. Yormatovlar kuy bastalaganlar.

Kavsar Turdiyevaning bolalar dramasi sohasida «Sog'lom avlod» yiliga atab yozilgan, «Toshkesarlar mamlakatida» asari mazkur yilga bag'ishlangan tanlov sovrindori bo'ldi. U pedagog murabbiy sifatida talabalar uchun kompyuter, elektron va videodarslar uchun mo'ljallangan bir necha uslubiy qo'llanmalar muallifidir.

Uning «Sintaktik ertak», «So'z turkumlariga atalgan she'rlar»i til darslarida, «Alpomishni o'qib», «Navoiy», «Cho'lpon» she'rlari adabiyot darslarida o'tish uchun mo'ljallangan. «Yo'l harakati qoidalari», «Raqamlar bo'ylab sayohat», «Sehrli harflar oroli» turkumlari esa boshlang'ich sinf darsliklariga qo'shimcha qo'llanmalardir. U bog'chalar uchun harakatli o'yin, qo'shiq va stsenariylardan iborat qo'llanma ustida ish olib bormoqda.

Radioda «Shoira dars o'tadi» eshittirishi, televideniyeda bolalar uchun ko'rsatuvlarning faol muallifidir. Uning she'rlari boshlang'ich sinf darsliklarida e'lon qilingan. U rus va o'zbek tillarida barobar ijod qiladi.

K.Turdiyeva institutdagi ko'p nusxali «Pediatr» gazetasining muharriri hamdir.

Olima, shoira, murabbiy, tarjimon va publitsist K. Turdiyeva o'zining serqirra ijodi uchun 2001 yili «Shuhrat» medali bilan taqdirlangan.

O'N IKKI OY TASVIRI

Oynomamiz ochildi,
O'n ikki oy sochildi.

YANVAR

Yanvar oyi,
Qorga boyi.
Yil ertasi,
Qish o'rtasi.
Chang'i, chana,
Nima yana?
Sovuq shamol
Uyingga bor.

FEVRAL

Tarnovda chak-chak,
Erir sumalak.
Vaqtim o'tdi deb,
Qish joni halak.
Bahor o't yoqar,
Eshikni qoqar.
Qarg'a qor-qorlar,
Bu so'nggi qorlar.

MART

Derazangni art,
Yana keldi mart,
Sumalak yesang,
Ariydi ming dard.
Bahordan darak,
Uchadi varrak.
Nishonlar bayram,
Navro'z va onam.

APREL

Esadi yel,
Keladi sel.
Aprel, aprel.
Yashil dala,
Tering lola,
Quymasidan
Yana jala.
Yerga lekin
Eking eking.

MAY

Chopqillab hay-hay
Kirib keldi may
Yozgi ta'tilga
Turing deydi shay.
Issiqni xushlab
Qaytadi qushlar
Kirmasdan chilla
Teringlar pilla.

IYUN

Laylak keldi yoz bo'ldi,
Qanoti qog'oz bo'ldi.
Tunlar qisqa, kun uzun,
O'yin uchun soz bo'ldi.
Olcha, gilos
Pishgani rost,
O'zin ko'rik
Qilar o'rik.

IYUL

Qaynar tuproq,
Kuyar oyoq.
Qilt etmaydi,
Daraxt, yaproq.
Soya qayda,
Pana joyda.
Suvga ko'mil,
Sho'ng'i, cho'mil.

AVGUST

G'arq pishgan meva,
Yemayman dema.
Qovun sayliga,
Keling mayliga.
Tarvuz yeng tilib,
Yo kosa qilib.

SENTYABR

Shu oyda bor,
Eng ulug'vor.
Bayram yirik,
Mustaqillik.

Bilim kuni
Boshlar uni.
Ta'til tamom,
Maktab, salom.

OKTYABR

Qizg'indir yumush,
Oppoq va kumush.
Paxta dalalar
Terim pallalar.
Zo'rdir har dami,
Hosil bayrami.

NOYABR

Rostlandi xirmon,
To'latib osmon.
Qushlar uchadi,
Janubga tomon.
Bulut uyular,
Yomg'ir quyular.
Soviydi kunlar,
Qirovli tunlar.

DEKABR

Asli bor bobo,
Oppoq Qorbobo.
Qorqizi bilan
Bor qizi bilan.
Kelganda horib,
Sovg'alar olib
Tugar shunda bil,
Butun bitta yil.

ONA TILIMSAN

Navoiyning nazmi ila qanot boylagan,
Boburshohning iztirobin xatga joylagan,
O'z yurtida toptalsa ham sabot aylagan,
Ichimdagi asirimsan yoki pirimsan
Podshohimsan, vazirimsan, Ona tilimsan.

Qulog'imga ilk bor kirgan azoning bo'ldi,
Ham o'ylatgan, ham so'ylatgan mezoning bo'ldi,
O'zligimni anglatuvchi lisoning bo'ldi,
Qayg'umsanmi, quvonchimsan yoki sirimsan,
Dardim bilan tilmochimsan, Ona tilimsan.

Onam bo'lib tunda alla aytarding o'zing,
Yupanch bo'lib dildan g'amni haydarding o'zing,
Duo bo'lib ne baloni qaytarding o'zing,
So'zda kechgan oyu kunim necha yilimsan,
Tariximsan, taqdirimsan, Ona tilimsan.

Qayg'uraman senda mudom ko'zim yoshlansa,
Oh chekaman senda giryon dardim boshlansa,
Iydiraman yuraklarni dillar g'ashlansa,
Yo'qlovimsan, yig'lovimsan, mening birimsan,
Yor-yorimsan, alyorimsan, Ona tilimsan.

O'tda yonding, nurga to'lding, goho muzlading
O'zbegimning taqdirini elga so'zlading.
Ingradingu titrading goh, dodlab bo'zlading
Qodiriylar taqdiridan tilim-tilimsan,
Hayqiriqsan, chaqiriqsan, Ona tilimsan.

Sen borsanki men ham borman, el ham tirikdir,
Har farzanding g'ururi ham ulkan yirikdir,
Shundan millat, shundan qudrat, shundan birlikdir,
Volidamsan, Vatanimsan, ona yerimsan
Salomimsan, kalomimsan, Ona tilimsan.

Олтиариқ туманидан хусусий тадбиркор Раҳмонжон Эркабоев Полосон қишлоғида жойлашган 14-мактабга бошланғич синф ўқувчилари учун 360 ўринли бинони ўз маблағидан 65 млн. сўм сарфлаб қуриб берганлиги ибратлидир. Умуман, шундай олийҳимматли ташаббускорлар ёрдамида жами 2128 ўринли ўқув бинолари қуриб берилди.

ДАВР ТАЛАБИГА ҲАМОҲАНГ

Мамлакатимизда халқ таълими борасидаги ишларни жаҳон андозалари асосида, бугунги кун талабига мос тарзда олиб бориш шу соҳа ходимларининг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Бунинг учун дунё миқёсида тан олинган тажрибалар асосида ёшларга таълим-тарбия беришнинг турли моделлари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса бугунги кун ўқитувчисининг иш фаолиятини янада такомиллаштириш, ўқувчилар билим сифатини юқори даражага кўтаришда сезиларли аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Республика халқ таълими вазирлиги томонидан 2002-2003 ўқув йили "Халқ таълими тизимида методик хизматни такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилиниши айни муддао бўлди.

Фарғона вилоятида вазирликнинг ана шу қарори асосида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят "методика маркази" ташкил қилиниб, Низом асосида иш режасига мувофиқ ҳолда фаолият кўрсата бошлади.

Марказ ходимлари таълим тизимининг барча соҳаларига услубий ёрдам кўрсатиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг ишларини янгича ташкил этишлари, ўқитиш тизимини давлат талаблари асосида олиб боришлари йўлида фаолият олиб боришмоқда. Улар республика халқ таълими вазирлиги, республика Таълим маркази томонидан ишлаб чиқилаётган дарсликлар, дастурлар ва ўқув қўлланмалари устида ишлаш ва ҳаётга жорий қилиш учун тинмай меҳнат қилишяпти. Шаҳар ва туман методик кабинетлари мудирлари, услубчилари билан яқиндан алоқа ўрнатиш ва шу асосда умумий ўрта таълим мактабларидаги илғор ҳамда ижодкор ўқитувчиларнинг иш фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ишларини вилоят миқёсида оммалаштириб республика Таълим марказига тақдим этиш марказ иш режасининг асосини ташкил этади.

Шунингдек, ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолашда барча шаҳар, туман мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларига тушунча ва қўлланмалар тақдим этмоқда. Бу тизимни жойларда тўғри ташкил этиш ва уни тажриба-синовдан ўтказиш вилоятимизнинг Тошлоқ ва Данғара туманларида олиб борилмоқда. Уларнинг иш тажрибалари ва олиб борилган ишларнинг натижалари вилоят бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида ўтказиб турилаётган семинарлар, ўқув тренингларда таҳлил қилиб борилмоқда.

Вилоятимизда ҳозирги кунда 906 та умумий ўрта таълим мактаблари, шундан иқтидорли ўқувчилар учун 45 та ихтисослаштирилган мактаб мавжуд бўлиб, уларда 691769 нафар ўқувчиларга 50279 нафар педагог ходимлар, 981 та мактабгача таълим муассасаларида 9177 нафар тарбиячи-мураббийлар 91 минг нафардан зиёд тарбияланувчиларга таълим-тарбия бериб келишмоқда. Уларнинг ўз вақтида малакаларини ошириш, ўз устларида тинмай ишлашлари доимо диққат марказимизда туради.

Шунингдек, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Айни шу кунларда жами ўқувчиларнинг 88,6 фоизи дарсликлар билан таъминланган.

Ўқувчиларга замон талаблари асосида таълим беришда замонавий ўқув техника базаси муҳим аҳамиятга эга. Ана шуни ҳисобга олиб, мактабларни шундай техникалар билан таъминлаб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 2001-2002 йилларда 15 та мактаб Япония элчихонаси томонидан жорий этилган кичик лойиҳалар асосида бир комплектдан компьютер синфлари, нусхалаштириш қурилмалари, видеомагнитофон, телевизор юмшоқ ва қаттиқ мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Ўқувчилар ижодкорлиги ва иқтидорини рўёбга чиқаришда турли кўрик-танловлар катта аҳамиятга эга. 2002 йилда шаҳар, (туман) вилоят миқёсида ўндан зиёд ана шундай кўрик-танловлар ўтказилди ва ғолиблар тақдирланиб борилди.

Ўқувчиларимизнинг фан олимпиадаларида қатнашишлари ҳам доимо эътиборимизда. 2001 йили 16 нафар ўқувчи Республика олимпиадасида қатнашиб рус тили ва адабиёти фанидан биринчи, француз, рус тили (рус мактабларида), математика, олмон тили бўйича 3-ўринни эгаллашган бўлса, 2002 йили шу босқичда қатнашган 18 нафар ўқувчилар ўзбек тили, ҳуқуқшунослик, география фанларидан 2-, рус тили (ўзбек маткабларида), чизмачилик фанларидан 3-ўринга сазовор бўлишди. Бу йил эса 23 нафар ўқувчи Республика босқичида қатнашадиган бўлди.

Ўқитувчи ва мураббийлар ўртасида ҳам ўзаро беллашув, кўрик-танловлар ўтказиб турилади. Бундан кўзланган мақсад — илғор педагогларни кашф этиш ва уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ишларини йилдан-йилга такомиллаштириб боришдир. Ҳозирда вилоятимизда чуқур билимга эга илғор педагогик технологияларни ўз фаолиятида қўллай оладиган, изланувчан, ташаббускор ўқитувчилардан 1600 нафар ижодкор-илғор педагоглар банки ташкил қилинган.

Бир неча йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Очиқ Жамият институти (СОРОС фонди), АҚШ миллий Кенгаши, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва кўплаб хорижий ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келиниши оқибатида ўқувчиларга билим беришнинг янгича усуллари қўлланилмоқда. Мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар ишларини ривожлантириб, болаларни боғча ёшиданоқ саводхонликка ўргатиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасидаги ишлар ҳам доимо назорат остига олинган.

Ютуқлар билан бир қаторда камчилик ва муаммоларимиз ҳам бор. Биз ана шу камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, муаммолар ечимини топиш борасида тинмай иш олиб боряпмиз.

М.ХОДЖАЕВ,
Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

ЯРАТИЛГАН ШАРОИТ — БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ

Очиғини айтадиган бўлсак, вилоятимиздаги кўплаб муассасалар биноларининг томлари ҳозирги пайтда яроқсиз ҳолга келиб қолган, ёғингарчилик пайтларда чакки ўтиши натижасида хоналарнинг жиҳозларига путур етган бўлиб, қайта таъмирлашга тўғри келарди. Биз кейинги икки йил давомида ана шундай бинолар томини шифер билан ёпиш ишларини амалга ошириб келмоқдамиз. Ана шу давр мобайнида марказлашган маблағ ҳисобидан 160 дан ортиқ муассасалар томи шифер билан қопланди. "Қувасойцемент" акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида жойларга имкон даражасида шифер етказиб берилмоқда. Зарур бўлган ёғоч ва бошқа харажатлар шаҳар, туман ҳокимликлари, ҳомийлар ва ота-оналар томонидан кўрсатилган ёрдам ҳисобидан қопланмоқда. Мазкур муассасаларнинг томини ёпиш учун ҳар бирига 1,5-2 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилган бўлса, ҳокимликлар, ҳомийлар томонидан берилаётган молиявий ёрдам 3-4 млн. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, вилоят халқ таълими тизимидаги ташкилотларга сарф қилинаётган ёқилғи, энергетика учун ажратилган маблағларни тежаш мақсадида 20 та таълим муассасаларида иссиқлик ўлчагичлари ўрнатилиши натижасида шу муассасаларда иссиқлик манбаига сарф қилинаётган маблағнинг 30-40 фоизи тежаб қолинмоқда. Тежалган маблағни эса бошқа зарур йўналишларга ишлатилиши кўплаб муаммоларни ҳал этмоқда.

Жорий ўқув йилида ҳомийлар, оталиқ ташкилотлар ёрдамида ҳашар йўли билан Марғилон шаҳридаги 29-мактаб учун сузиш-соғломлаштириш мажмуаси, Боғдод туманидаги 11-мактабга 360, Сўх туманидаги 21-мактабига қўшимча 417, 22-, 15-мактаблар учун 180, Бувайда туманидаги 10-мактабга 360 ўқувчи ўринга эга қўшимча бинолар қуриб берилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Олтиариқ туманидан хусусий тадбиркор Раҳмонжон Эркабоев Полосон қишлоғида жойлашган 14-мактабга бошланғич синф ўқувчилари учун 360 ўринли бинони ўз маблағидан 65 млн. сўм сарфлаб қуриб берганлиги ибратлидир. Умуман, шундай олийҳимматли ташаббускорлар ёрдамида жами 2128 ўринли ўқув бинолари қуриб берилди. Қувасой шаҳрида жойлашган "Кварц" ҳиссадорлик жамияти томонидан эса 140 ўринли боғча мукаммал таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Ёзёвон туманидаги 25-болалар боғчасига қўшимча 90 ўринли бино ҳам ҳомий ва оталиқ ташкилотлари томонидан қуриб берилди.

2002 йилда марказлашган маблағ ҳисобидан мактаблар ва боғчалар учун 520 миллион сўмлик қаттиқ жиҳозлар (мебель) сотиб олиб берилди. Бўлимимизда халқаро алоқалар бўйича ишлар ҳам йўлга қўйилган. 2000 йилдан бошлаб Япония ваколатхонаси, ЮНИСЕФ ва бошқа хорижий давлат ташкилотлари билан алоқалар ўрнатилиб, 2001-2002 йиллар давомида таълим муассасалари ўқув жиҳозлари ва бошқа техник воситалари билан таъминланиб келинмоқда. Ҳозирги кунга қадар вилоят бўйича 17 та таълим муассасаси 897 АҚШ доллари миқдорида жиҳоз билан таъминланди.

Р.ХОЛИҚНАЗАРОВ,
ВХТБ таълим жараёнини таъминлаш бўлими бошлиғи

ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ БАРЧАСИ ИҚТИДОРЛИ

Фарғона шаҳридаги "Шодлик" боғча-гимназияси 1993 йили вилоятда илк бор боғча-гимназия шаклида ташкил этилди. Янги уч қаватли замонавий усулда қуриб битказилган бинога эга бўлган мазкур муассасада тарбияланувчиларга замон талабларига мос таълим-тарбия бериш учун барча шарт-шароит яратилган. Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, мажлислар ва спорт заллари, компьютер, лингофон хоналари, чўмилиш ҳавзаси болажонлар хизматида. Тажрибали педагог "Дўстлик" ордени соҳибаси А.Ходжаева бошчилигидаги барча педагогик ходимлар тарбияланувчиларга давр талаби асосида таълим-тарбия беришни ўз олдиларига мақсад қилиб олишган. Тарбиячиларга қўшимча равишда инглиз тили чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилади. Тайёрлов гуруҳларидаги тарбияланувчилар инглиз тилида ўзаро суҳбат, кўплаб шеър ва қўшиқлар айтиш кўникмасига эга бўлишса, гимназия синфи ўқувчилари ана шу тилда равон сўзлашиш, кичик матнларни таржима қилишни бемалол уддалашади.

Бу ерда асосий фанлардан ташқари тарбияланувчилар эстетика, мусиқа, жисмоний соғломлаштириш каби қўшимча фанларни ўзлаштириб боришади. Шунингдек, ўқувчиларнинг қизиқиш ва иқтидорига қараб маълум фанлар бўйича чуқурлаштирилган синфлар очилган.

— Гимназиямизга болалар тест синовлари асосида қабул қилинади, — дейди илмий бўлим мудири Г.Ҳайдарова, — ана шу талаб боғча-гимназияни тугатгунча қўйилади, яъни тарбияланувчи-ўқувчилар билими вақти-вақти билан тест синовлари орқали имтиҳон қилиб турилади. Худди шундай талаб тарбиячилар учун ҳам қўлланилади.

МУХБИРИМИЗ

ЎҚИТУВЧИ КАСБ МАҲОРАТИ — ЕТАКЧИ ОМИЛ

Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинети 2002-2003 ўқув йилида илғор педагогик технологияларни ва интерактив усулларни таълим-тарбия жараёнига сингдириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ва педагогларнинг касб-маҳоратини оширишнинг самарали шаклларини изслаб топмоқда. Таълим мазмунига интерактив усулларни, янги ахборот технологияларини сингдириш борасида бўлим тасарруфидаги "Парвоз", ҳуқуқ-иқтисод, жаҳон тиллари гимназиялари, 9-, 10-умумтаълим мактаблари жамоаларида илғор тажриба тўпланган.

2002-2003 ўқув йили бошидан методика кабинети томонидан педагог ходимларнинг сифат таркиби таҳлил этилиб, педагогик жамоаларга янги иш услублари юзасидан йўл-йўриқлар белгилаб берилди. XXI аср ўқитувчиси — дунёқараши кенг, ўз касбининг моҳир устаси бўлмоғи лозим. Шу боис, методика кабинети педагог ходимлар касб-маҳоратини оширишга алоҳида эътибор беради. Ёш мутахассислар ва кам тажрибали ўқитувчилар учун октябрь ойида "Ёш мутахассислар ойлиги" ўтказилди. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, ёш мутахассисларга ҳозирги замон талаблари асосида таълим ва тарбия беришда методик ёрдам кўрсатишдан иборат.

Таълим муассасаларининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари учун "XXI аср — таълим технологиялари" рукни остида доимий ҳаракатдаги семинарлар ўтказмоқда. Унда шаҳардаги ўқитувчиларнинг ижодий уюшма аъзолари ҳамда Ўзбекистон Республикаси СОРОС Очиқ Жамияти Институти ўқитувчилари фаолият кўрсатмоқда.

Ижодий изланишлар билан фаолият юритаётган педагогик жамоаларга муқобил дастурлар яратиб, таълим-тарбиянинг янгича шакл ва усулларини қўллашга имкон берилган.

Н.БИКОВА,
Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинети мудири

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ — ТАРБИЯДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Бизнинг марказ вилоят шаҳар-туманларида фаолият кўрсатаётган 67 та мактабдан ташқари таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатади. Ҳозирда ана шу муассасаларда 1384 та тўгараклар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларга жалб қилинган ўқувчилар ўзларини қизиқтирган касб бўйича ҳунар ўрганади ва ижодий фаолиятга йўналтирилади. Тўгарак раҳбарлари махсус дастур асосида тасдиқланган иш режалари бўйича фаолият кўрсатиб келишмоқда. Республика Халқ таълими вазирлигининг узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш тўғрисидаги қарори асосида ҳаракат дастуримизни қайтадан кўриб чиқдик ва муассасаларга методик хизматни янада такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқдик. Бу дастур етти йўналишдан иборат.

Ана шу йўналиш асосида марказ қошида услубий кенгаш фаолият бошлади. Қисқа вақт мобайнида шаҳар, туманларда 67 та турли йўналишлардаги марказларга методик ёрдам кўрсатиш жорий этилди. Ҳаракат дастури асосида кенг кўламда ишлар бошланганлиги натижасида ҳозирги кунда ўнга яқин услубий қўлланмалар ва тавсияномалар, 20 та тўгарак дастурлари жойлардаги мактабдан ташқари таълим муассасаларига тарқатилди. Шунингдек, шаҳар, туман МТТМлар фаолиятига оид "Зиё", "Истиқлол чечаклари" номли алоҳида тўплам китобча шаклида нашр этилган.

Иш самардорлиги, тўгараклар ишининг қизиқарли ўтказилишида тўгарак раҳбарининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда тўгаракларда фаолият кўрсатаётган педагог ходимлар сифат таркиби қайта кўриб чиқилди. Ҳозирги кунда зарурий мутахассислик ва маълумотга эга бўлган ходимлар учун қисқа муддатли ўқув курслари, семинар-тренинглар ташкил этиш йўлга қўйилди.

Методик ишларни такомиллаштириш билан бир қаторда марказимиз вилоят халқ таълими бошқармаси тавсияси асосида "Ўқувчи-ёшларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини ташкил этишнинг 2002-2005 йилларга мўлжалланган дастури" бўйича ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унга мувофиқ равишда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят ички ишлар бошқармаси, "Камолот" ижтимоий ёшлар ҳаракати вилоят бўлими, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" жамияти билан ҳамкорликда алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ш.ҚИРҒИЗОВ,
ВМТТММ маркази директори

АВТОҲАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИ

Индонезиянинг Слави оролининг марказий қисмида жойлашган Слави шаҳри яқинида йирик йўл транспорт ҳодисаси рўй берди. Бошқарувини йўқотган автобус аҳоли яшовчи бинога бориб урилиши натижасида 17 киши ҳалок бўлиб, 8 киши жароҳатланган, шунингдек, улардан 4 нафарининг аҳволи оғир. Қурбонларнинг 15 нафари автобус салонидаги ёнғин туфайли вафот этган.

Ҳар йили Индонезия ороллари да юз беражак йўл транспорт ҳодисалари туфайли 10-12 минг киши халок бўлади. Аксарият ҳалокатларга йўлнинг ёмонлиги, транспортнинг носозлиги ҳамда ҳайдовчининг эътиборсизлиги сабаб бўлади.

АЛ ҚОИДА ГУРУҲИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Испаниянинг Жерона вилоятида Ал Қоида гуруҳига алоқадорликда гумон қилинаётган шахслардан 17 киши қўлга олинди.

Жерона, Олот, Салт ҳамда Гаполес шаҳарларида яшовчи ушбу кишилар Яқин Шарқ давлатларидаги террорчилар тайёрловчи лагерларда тайёргарликдан ўтганлар. Бундай махсус операция Баргелена шаҳрида ҳам ўтказилган. Испания махсус хавфсизлик хизматининг 180 нафар ходими 1,5 йилдан буён экстремистик гуруҳлар бўйича шуғулланиб келадилар. Шунингдек, бундай операция Франция ва Буюк Британия хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳам ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

G'aroyib olam

СУВДАГИ СИРЛАР

Бу ҳудудда азалдан кемалар тез-тез йўқолиб туради. Айримлари эса, "SOS" (халқаро океанда қутқарув сигнали)ни беришга ҳам улгурмай бедарак ғойиб бўлган. Қарийб 75 йил мобайнида Бермуд учбурчаги худудида кема ва самолётлар билан бирга ҳисоблаганда, 2000 дан ортиқ одам бедарак кетган. Расмий маълумотларга қараганда, Бермуд ороллaридан Флорида ярим оролининг жанубий чегарасигача ва ундан Пуэрто-Рико ороллари сари ўтувчи чизиқлар ҳосил қиладиган учбурчакда ҳар йили камида 3-4 та кема ҳалокатга учрайди. Ўз-ўзидан савол туғилади: Нима сабабдан океаннинг "Атлантика" қабристони деб аталадиган айнан шу кичкина бўлагида кўплаб кемалар ҳамда самолётлар ҳалокатлари рўй беради?

Бир вақтлар инглиз ёзувчиси Чарльз Берлицнинг Бермуд учбурчаги ҳақидаги китоби жаҳонда шов-шув бўлган эди. У мазкур учбурчақдаги ҳалокатлар сабабчиси илоҳий кучлар таъсирида бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ғоят сирли, балки ўзга сайёралардан ташриф буюрган мавжудотлар билан боғлиқ кучлар натижаси эканини исботлашга уринган. Шу мавзуда кўплаб мақолалар "Бермуд сирлари" каби турли даҳшатли, қўрқинчли фильмлар яратишди.

Бу жумбоққа аниқлик киритиш мақсадида Россиянинг "Витязь" кемасида машҳур профессор А.Аксенов раҳбарлигида Бермуд учбурчаги худудига махсус экспедиция уюштирилди. Вахта штурмани ўз кўзи билан кўрганларини шундай ҳикоя қилади: "Мана бизнинг кемамиз Атлантика океанининг "Иблис учбурчак" деб аталмиш Бермуд учбурчагининг худди ўзгинасида турибди. Океанда ҳеч қанақа ўзгариш йўқ, кулранг-ҳаворанг тўлқин енгилгина ўркачланарди, холос. Осмонда эса булутлар оҳиста сузиб юрарди. Аммо етиб келган кунимиз кема бортида ишлаб турган устаси фаранг, жуда тажрибали денгизчидан айрилдик. Комиссия хулосаси у эҳтиётсизлик туфайли ҳалок бўлган деган фикр бўлса, лекин кўп йиллик тажрибага эга бўлган денгизчининг қандай эҳтиётсизликка йўл қўйганлигига ақлимиз етмади. Аммо бизлардан бир неча кун аввал айнан биз сузган трассадан ўтган япон юк кемаси денгиз қаърига равона бўлган, кемадан ва унинг аъзоларидан ҳеч қандай ном-нишон йўқ. Шундай жуда, тинч оқшомлардан бирида синоптигимиз ташвишланган ҳолда кема капитани олдига келиб, барометр (об-ҳаво шароитини, бўрон, довул ва бошқа табиатдаги атмосфера ўзгаришларини кўрсатадиган асбоб) стрелкаси тез пасая бораётганини маълум қилди. Океанда сукунат ҳукм сурарди. Барометр стрелкаси эса, шиддат билан пасая бориб, тобора хатарли даражага яқинлашарди. Ҳаммамизнинг бошимиз тарс ёрилгудек зирқирарди, оғриққа чидаб бўлмасди. Кема шифокоридан асабдори олиб, барчамиз ичдик. На тўлқинларнинг шовуллаши-ю, на изанолнинг кема арқонларига урилиб ҳуштак чалиши, на чайқалиш кузатиларди, лекин шунга қарамай, бутун борлиқ қандайдир даҳшатга чўмилаётгандек эди. Одамларнинг чеҳрасида табассум кўринмай, барчамиз қандайдир табиий хавотирда эдик.

Эрта тонгда экспедиция раҳбарларидан бири палубада кўринмаганлиги сабабли, унинг хонасига кирдик. У полда беҳуш ётарди. Кема шифокори уни қимирлатмасдан тезлик билан қирғоқдаги касалхонага олиб бориш кераклигини айтди.

Ўша оқшом майин тўлқин кемамизни беланчақдай аста тебратганидан, барчамиз донг қотиб ухлабмиз. Эрталаб вақтли турсак, нақ олти балли пўртана, тунга бориб унинг кучи тўққиз баллга, шамолники эса ўн бир баллга етди.

Кема хоналаридаги музлатгичлар ағдар-тўнтар бўлиб кетди, ошхонадаги ҳамма идиш-товоқлар чил-чил бўлди, одамларнинг кўнгли беҳузурланди. Бу даҳшатли пўртана уч кун давом этди. Радио орқали бири Европадан, иккинчиси Америкадан ҳамда сунъий йўлдошлардан олинган янги синоптик маълумотларга қараганда бизнинг кема турғун антикциклон зонасида турган экан. Ҳақиқатда эса теварак-атрофимизда океан қутурарди. Хўш, бундай даҳшатли пўртана қаердан келиб қолди. Балки кўринмас ёвуз кучлар учбурчак қаъридан чиқиб ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилаётганмикан?

Пўртананинг тўхташи худди токни ўчиргандек бир сонияда рўй берди. Кўз олдимизда жонсиз денгиз саҳроси. Ҳайрон қоласан. Сунъий йўлдошларнинг аниқлашича, Атлантика океанининг кенг ва энг чуқур жойи шу ерда экан."

Тинч океанида ҳам шу Бермуд учбурчагига ўхшаш жойҳудуд борлигини кўпчилик негадир билмайди. Уни "Иблис денгизи" номи билан аташади. У Япония, Гуам ороллари ва Филиппин ороллaрининг шимолий қисми оралиғида жойлашган. Бу ерда баногоҳ тўфон бошланиб шамолсиз вақтда сув юзи жимирлаб, аллақанча "ўлжа"ларини ўз комига тортади.

Америкалик тадқиқотчи олим Питер Мичелмори тўрт йил олдин бир неча кун давомида қутқарув хизмати кемасида "Бермуд учбурчаги"да бўлиб, ўз таассуротлари туширилган "Иблис учбурчагида навбатчилик" мақоласини "Нью-Йорк Таймс" газетасида чоп этди. Унинг фикрича, бунда кўплаб жиддий табиий хавф-хатар мавжуд. Жўшқин Гольфстрин, тўсатдан рўй берадиган уюрмалар, денгиз чуқурликларининг кескин ўзгариб туриши, баногоҳ кўтариладиган улкан ҳалокатли тўлқинлар, гирдоблар бир сония ичидаёқ замонавий реактив самолётни минглаб фут пастга шўнғитади ва кучли ҳаво оқими натижасида йўқ қилиб юборади. Бу бир кичик лавҳа, холос.

Питер Мичелмори "Бермуд учбурчаги"да барча кўнгилсизликлар ақлга сиғмайдиган вақтда, тўсатдан рўй беради", деб ёзган эди.

Бундан беш йил аввал АҚШнинг ҳарбий самолёти Бермуд учбурчаги ҳудудида ном-нишонсиз йўқолди. Яқинда АҚШнинг "Пан Америкэн" ҳаво йўлларига қарашли Майамига учаётган йўловчи самолёти бу ҳудудга киргандан кейин бир сониядаёқ самолётнинг барча асбоб-аппаратлари ҳамда соатлар тўхтаб қолди. Самолёт ҳеч ким билан алоқа боғлай олмади. Ўн дақиқада шу хавфли жойдан учиб ўтгандан кейин самолёт асбобларининг барчаси яна ишлаб, тўхтаб қолган барча соатлар ҳам ўз-ўзидан юриб кетди. Фақат ўн дақиқа орқада қолган эди.

Бу ҳудудда ҳар куни мўъжиза рўй бермаса-да, бироқ одамларни ҳайратлантирарли синоатлар бўлиб туради. Гоҳ жуда ноёб ҳодиса, бамисоли тилимлангандек тўлқин устида ётган камалак ранглари, гоҳ сузувчи сувўт ороллари —"саргасслар", улар айнан шу ҳудуд учун хосдир. Гоҳ кўз ёшларидек тиниқ, шаффоф тўлқинларда ранглaрнинг афсонавий рақси намоён бўлади. Бу ҳудуднинг ажойиб хусусиятларидан асосийси, жаҳонда энг тиниқ, шаффоф сув шу ердадир.

Беихтиёр атом бомбасининг асосчиси машҳур физик олим Р.Оппенгеймернинг ушбу сўзлари ёдга тушади: "Биз материянинг табиатини, уни бошқарадиган қонунларни ҳамда уни ифодалаш мумкин бўлган тилини ҳозирча тушунмай, тилсимини билмай турибмиз. "Бермуд учбурчаги" ҳам биз учун ҳамон сирлилигича қолмоқда".

Бу Атлантика океанидаги "Иблис учбурчаги" ҳамда Тинч океанидаги "Иблис денгизи" сирларини олимлар "сирлар" эмас, балки она табиатнинг биз билмаган, аниқланмаган ҳодисалари дейишади. Чунки уларга шу таъриф маъқул.

Энг асосийси шундаки, шу кўрсатилган жойларда йўқолган кемалар, самолётлардан, одамлардан ҳанузгача ҳеч қандай нишона йўқ.

Бу жойлар қандай аталишидан қатъий назар, улар мавжуд, ўзининг аниқланишини, ошкор этилишини кутиб ётибди. Аммо, бу сирларни ечиш масаласи келажак авлодларга ечими топилмаган тенглама бўлиб қолмоқда

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

ЎҒИРЛАНГАН ЖУРНАЛИСТЛАР

"Retures"нинг берган маълумотига қараганда, Колумбия шарқидаги Арака вилоятида миллий озодлик армияси жангарилари британиялик репортёр Руд Моррис ҳамда америкалик Скотт Далтонларни ўғирлаб кетганлар. Айнан шу вилоятда Американинг махсус бўлинмаси вакиллари маҳаллий ҳарбийларни жангариларга қарши курашиш борасида тайёргарликдан ўтказмоқдалар. Миллий озодлик армияси радиосининг маълумотига кўра, маҳаллий ҳокимият билан келишилган ҳолдагина журналистлар озод этилади. Шунингдек, радиостанция "Los Angelos Times" газетасининг мазкур икки жамоатчи мухбирлари исёнчилар назоратидаги ҳудудларга уларнинг рухсатисиз киришганини маълум қилган.



ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛДИ

Бағдодга нисбатан эҳтимолли бўлган урушга қарши намойишлар нафақат Ироқда, балки бутун дунёда бўлиб ўтмоқда. Кеча Ироқ ўз армиясини кимёвий қуроллардан ҳимоя қилиш чораларини кўра бошлади. Ироқдан келаётган манбаларга кўра, инсонни заҳарловчи кимёвий моддалардан ҳимоя қилувчи кийимлар ҳарбий хизматчиларга тарқатилган. Айни бу вақтда Қўшма Штатлар ҳарбий амалиётларни бошлаш учун халқаро ҳамжамиятдан кўмак олишини билдирган. 28 январда президент Буш Ироқ уруши бошланса, мамлакатдаги иқтисодий аҳвол ёмонлашмаслигига ишонтириш учун миллат олдида чиқиш қилади. Яқин вақт ичида мазкур урушнинг бошланиши кутилмоқда. Сабаби кейинги бир неча ҳафталарда Ироқда ҳаво температурасининг кўтарилиши кутилмоқда. Бу эса ҳарбий амалиётларда қийинчиликлар туғдириши мумкин.

КАРАКАСДА БОМБА ПОРТЛАДИ

Венесуэла пойтахти Каракас шаҳрида президент Уго Чавесни қўллаб-қувватлаб ўтказилган манифест вақтида бомба портлаган. "Бельяс Артес" метро бекати ёнида юз берган ушбу портлаш туфайли бир киши ҳалок бўлиб, 14 киши жароҳатланди. Айни шу вақтда Уго Чавес ўз тарафдорлари олдида чиқиш қилиши лозим эди. Маҳаллий полициянинг малумотларига кўра, ҳалок бўлган киши ўрта ёшлардаги эркак эди.

ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВ

Жанубий Кореянинг янги президенти Ро Му Хен Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир билан Пхеньянни ядро дастури теварагида юз бераётган муаммолар бўйича учрашишга тайёрлигини билдирди. "Яккама-якка учрашувни ташкил этиш жуда муҳим ва мен учрашувга тайёрлигимни Ким Чен Ирга таклиф этдим", деди Ро Му Хен.

Куни кеча икки давлат вакиллари шимолликларнинг ядро дастури борасидаги халқаро кескинликка барҳам бериш учун келишувга эришдилар.

"Интернет" хабарлари асосида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 104-гуруҳ талабалари тайёрлашди.

Шунда ўйлаб қоласиз, наҳотки фарзандларнинг уйга кеч келиши ота онасини қизиқтирмаса, ёки улар бундан бехабармикин?!.

УЛАР БЕКОР ҚОЛСА...

Бола келажаги унинг тарбияси билан бевосита боғлиқ. Қолаверса, жамият келажаги ҳам одобли, ахлоқли, эсли-ҳушли ҳамда ўқимишли болаларнинг кўплиги билан белгиланади.

Юртимизда ёшлар келажаги алоҳида эътиборда, десак муболаға қилмаган бўламиз. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги 162-сонли қарори асосида бугунги кунда барча маҳаллаларда педагог-тарбиячилар фаолият олиб боришмоқда. Уларнинг милиция таянч пунктларида фаолият юритиши нафақат профилактика инспекторлари томонидан ҳисобга олинган тарбияси оғир ўсмирларни тўғри йўлга солишда, балки маҳалла болаларини спорт машғулотлари билан шуғуллантириш, уларни турли касб тўгаракларига жалб этишда ҳам қўл келмоқда.

Суҳбатдошимиз Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи милиция подполковниги Муҳсин Дўстовнинг фикрича мазкур, қарор замирида бир талай эзгу мақсадлар мужассам. Яъни, педагог тарбиячи лавозимига 30 ёшгача бўлган, жисмонан бақувват, камида 5 йилдан кам бўлмаган педагоглик стажига эга бўлган, спорт ва бизнесни яхши тушунадиган, маҳалладаги ёшларни ёки тарбияси оғир бўлган вояга етмаганларни ўз орқасидан эргаштириб, улар билан бирга шуғуллана оладиган кишиларнинг танлангани бежиз эмас. Чунки улар зиммасига жуда кўп вазифалар қатори, баъзан ота-онасининг гапига қулоқ солмасдан уйидан тез-тез кетиб қоладиган, ўқитувчисининг таълимини олмасдан дарсни ташлаб кўчада сангиб юрадиган болалар билан ишлашга ҳам тўғри келади.

— Хўш, шундай пайтда педагог-тарбиячи қандай йўл тутиши керак деб ўйлайсиз?

— Халқимизда "Болани урсанг эти, сўксанг бети қотади", деган гап бор. Демак, бу ўринда педагог-тарбиячи, айтайлик, ўша қулоқсиз ўспиринни ота-онасига қўшилиб бир-икки шапалоқ уриши, ўқитувчисига ёнида туриб, турли бўлмағур сўзлар билан ҳақорат қилиши ёки камситиши керак эмас. Уни профилактика инспекторига олиб бориб "Манави бола на ота-онасига, на ўқитувчисига қулоқ солмаяпти. Келинг, унга қонуний чора кўриб, қаматиб юборайлик", деб қўрқитиши ҳам педагог-тарбиячининг ишини олга силжитмайди.

Бундай пайтда педагог-тарбиячи болани чақириб, унинг уйдан кетиш ва ўқишдан бош тортиш сабабини суриштириши, уни безовта қилаётган муаммо сабабини аниқлаши ва мана шундан кейингина тегишли чора кўриши лозим бўлади. Чунки, бола ўзини безовта қилаётган нарсани ота-онасига айтгани билан улар эътибор қилишмаган ёки ўқитувчиси уни тингламаган бўлиши ва шу боис, у ичидаги дардини айтмасдан шу ҳолга тушиб юрган бўлиши мумкин-да. Шунинг учун педагог-тарбиячи нафақат ота-она ва болани, балки ўқитувчи ва ўқувчини бир-бирига боғловчи кўприк бўлиши керак.

— Вояга етмаган тарбияси оғир ўсмирларнинг пайдо бўлишида аввало, ота-онанинг "ҳиссаси" кўпроқ фикримча.

— Фарзанд тарбияси билан шуғулланмайдиганлар у ёқда турсин, ҳатто

Yoshlar tarbiyasi

ўзларининг ёмон хулқ-атвори билан уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ота-оналар ҳам бор.

Бизда шундай ота-оналардан 65 нафари ҳисобда туради. Уларнинг баъзилари ичкиликка муккасидан кетган эркаклар бўлса, айримлари айшу ишрат, кайфу сафони яхши кўрадиган енгил табиатли аёллар. Биз уларни махсус ҳисобга олганмиз ва уларнинг фарзандлари тарбияси доимий диққат -эътиборимизда.

— Бола бекор қолса кўчага югуради. Кўчада уни ҳар доим ҳам яхши тарбия топаётган, одобли болалар қарши олавермайди. Гоҳида у бекорчи болаларга қўшилиб, ножўя ишларга қўл уриши мумкин. Шундай эмасми?

— Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб тузилган тадбирлар режасида маҳаллалардаги бекорчи ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида милиция таянч пунктлари атрофларида, маҳалла гузарларида кичик бизнесни ривожлантириш, яъни дурадгорлик, миллий ҳунармандчилик, кийим бичиш-тикиш цехлари ва бошқа кичик корхоналар ташкил этиш лозим деб кўрсатилган. Шу боис, Қашқадарё вилоятининг шаҳар-туманларидаги кўплаб маҳаллалар гузарларида бундай кичик бизнес тармоқлари ва тадбиркорлик мажмуаларини вужудга келтириш мақсадида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимлари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Ўйлаймизки, ушбу амалга оширилаётган ишлар бесамар кетмайди.

Суҳбатдош
Шуҳрат РЎЗИЕВ

КИМГАДИР ОҲ, КИМГАДИР ЧОҲ ЧЕТ ЭЛ

Кейинги 3-4 йил ичида чет эл мамлакатларида бўлиш (виза) қоидаларини бузиш, айниқса, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Таиланд, Исроил ва бошқа давлатларга сайёҳ сифатида чиқиб, у ерда қўшмачилик ва фоҳишалик билан шуғулланаётган шахслар ҳақида хабарлар, маълумотлар бор. Бундайларнинг асосий қисмини Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаролар ташкил этмоқда. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасида белгиланган қонун доирасида жазоландилар. Хусусан, уларнинг айримлари беш йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Бироқ, хорижга кетаётган бу турдаги шахсларнинг аксарияти қўшмачи ва фоҳишаларнинг қармоғига илинган кишилар. Уларнинг алдовларига учиб, чет эллардаги қамоқхоналарда, зиндонларда ётганлари ҳам бор.

— Мени бир танишим чет элда зўр пул топасизлар, деб дугонам иккимизни алдаб олиб кетди, — дейди Нигора исмли қиз. — Биз борганимиздан сўнг бизларни олиб борган гуруҳ раҳбаримиз ҳужжатларимизни олиб қўйди ва кетиб қолди. Кўчани айланишга чиққан эдик полиция тутиб олиб сенлар фоҳишасан, дея зиндонга қамаб қўйди. Орадан бир-икки кун ўтиб ҳалиги раҳбаримиз бизни чиқариб олди бироқ, "Мен сенларни бу ердан чиқариш учун кўп пул тўладим, энди қарзларингни тўлайсизлар, деб бизни бир ой бегона эркакларга қўшиб қўйди. Кўп пул топамиз деб, бор пулимиздан айрилдик. Устига-устак касаллик юқтириб олган эканмиз, ундан айрилолмай бор топганимиз дорига кетаяпти...

Хуллас, Нигора сингари алдов йўли билан олиб чиқиб кетилаётган ёшлар оз бўлса-да учраб турибди. Уларни сиртдан қараганда "иш ўргатишга, ишлатишга" олиб кетаётган айрим уддабуронлар у ерга боргач танасини сотиб фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилишмоқда.

Иброҳим АҲМЕДОВ,
милиция майори

БАРЛАРДАГИ БОЛАЛАР

Ҳозирги кунда пойтахтимизда кўплаб тунги клублар, кўнгилочар барлар, дискотекалар фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу жойларга катталардан кўра ёшларнинг кўп ташриф буюришини инобатга олсак, демак, уларнинг мақсади фақат пул топишдан иборат эканлигига амин бўламиз. Негаки, ушбу муассасаларнинг айримларида миллий қадриятларимизга зид бўлган ярим-яланғоч кийимларда рақслар ташкиллаштирилмоқда. Ваҳоланки, бу ерга келган баъзи ёш йигит-қизларнинг нафақат спиртли ичимликлар истеъмол қилишиб ёки сигарета туташтириб ўйинга тушишларини балки, шу ернинг ўзида гиёҳванд моддаларни қабул қилишиб, бемаза қилиқлар қилиб, ўйинларга тушишаётгани, столда ўтирганида ҳам бир-бирларини ялаб- юлқаб ўтиришаётгани сир эмас.

Бизни ташвишга соладиган жиҳати шундаки, бу масканларда ўтириш, дам олиб ҳордиқ чиқаришни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Шундай экан, наҳотки, фарзандларининг маданий ва маиший дам олишлари учун шунча пулни топиб, уларга шароит яратиб берган ота-оналарни фарзандларининг қаерда, кимлар билан дам олаётгани қизиқтирмайди.

Тун пайти ҳамма уйқуга кетар чоғида ҳам уйига кетишни ўйламай, эшикдан қувсангиз тешикдан қайтиб келиб мўралаётган болакайларни қўя турайлик, ҳали суяги дурустроқ қотмаган, ўн саккиз тугул ўн олтининг остонасини ҳатлаб-ҳатламаган ёш қизчаларни не бало урди. Уйда ўтириб ўқиш-ўрганиш ўрнига тунги барда бало борми дейсиз уларга. Аммо кет, деб кўринг-чи..

Ҳа, начора улар бу жойларнинг мазасини тотиб улгурган. Ўқишлар аллақачон эсдан чиқиб бўлган. Милиция ходимлари ҳайдамаса кетмаётган бу ёшлар бирор бир нопок ишни бошлаб, эртага нафақат ўзига ва оиласига, балки бошқа бировнинг хонадонига ҳам кулфат уруғини сепиши мумкин. Шу боис, ички ишлар ходимлари уларни бу жойлардан қувиб туришади.

Дарвоқе, тунги барларда ўтирганларнинг баъзилари билан суҳбатлашилганда уларнинг туппа тузук оиланинг фарзандлари эканлиги аён бўлади. Шунда ўйлаб қоласиз, наҳотки, фарзандларнинг уйга кеч келиши ота онасини қизиқтирмаса, ёки улар бундан бехабармикин?!.

Жиноятларнинг аксарияти маънавий қашшоқ, аҳлоқи бузуқ шахслар томонидан содир этилади, деган гап кўп айтилади. Кимдир бунга эътироз билдириши мумкин. Аммо тажрибалар ахлоқнинг бузилиши жиноят эшигини очиб беришини кўрсатмоқда.

Шу боис, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини бузувчи, маънавиятимизга, миллий қадриятларимизга бутунлай ёт бўлган фоҳишабозлик, қўшмачилик, бесоқолбозлик, қиморбозлик, гиёҳвандлик каби

ЁМОННИНГ КАСРИ

қатор иллатларнинг олдини олишга жиддий эътибор қилиш пайти келди. Негаки бир фоҳишанинг касофати бир эмас, бир неча оилани бадном қилмоқда.

Масалан, яқинда Наманган вилоятининг Чуст тумани Тепақўрғон қишлоғидаги Мамашариф З.нинг хонадонида бўлаётган тўйда учта бўз бола жанжаллашиб қолади. Сабаб, ўз опаси номига айтилган тавқи лаънатга чидай олмаган 1980 йилда туғилган А.А. ўзини ҳам ҳақоратланган ҳисоблаб, ўзидан уч ёш катта А.Fофурнинг кўкрак қисмига пичоқ уради. Унинг ёнини олган А.Рустамнинг ҳам орқа томонига пичоқ санчади. Натижада уларнинг бири ўша вақтда, иккинчиси касалхонада бандаликни бажо келтиради.

Иккитаси нариги дунёга рихлат қилган, биттаси панжара ортига кетган бу йигитларнинг айби нимада? Уларнинг ўзбек эканлигида, "опанг суюқоёқ" деган гапни айримларга ўхшаб бефарқ қабул қила олмаганида.

Шу боис, фоҳишаликни иллат, миллатнинг кушандаси сифатида баҳолаш, унга қарши жиддий курашиш керак. Қўл қовуштириб ўтириладиган бўлса, енгилтабиатли аёллар давраси кенгайиб, уларнинг касри миллатни иллатлар ботқоғига тортаверади.

Чунки бугунги кунда айримлар ўтиш давридаги турмуш қийинчиликларини рўкач қилиб, фоҳишабозликдек жирканч иллатни ўзларига касб қилиб олишмоқда. Бирники мингга, мингники туманга, деганларидек, уларнинг касофати туфайли ушбу иллат таъсирига ёшлар ҳам тушиб қолиб, ўз умрини, келажагини барбод қилмоқда.

Ахир, қадимда эрига хиёнат қилган аёл яшаган маҳаллани совчилар айланиб ўтиб кетишгани ҳақида кўп эшитганмиз. Аммо минг афсуски, бу одатлар бугун деярли йўқолиб бораяпти. Балки шунданми хартугул ўғрию каззобларга ҳам эътибор қилмаймиз. Ёнимизда яшайдиган фоҳиша аёл билан бирга тўйга борамиз. Ўғрининг ўғирлик билан топган нонини у билан бирга паққос тушираётганлар сиртдан қараганда дуппа дуруст одамлар.

Салом бермаган болани уялтириш, танбеҳ бериш хаёлимизга келмайди. Ҳатто шу даражага бораяпмизки, ўз уйига бегона эркагу аёлни киритиб, тўрт-беш сўм пул эвазига "никоҳ"дан ўтказиб қўйганларга бефарқ қараймиз.

Бўлмаса, Бекобод шаҳрида яшовчи Ким Спридоннинг бирбирига етти ёт булган 1977 йил туғилган У.Бердиқулов ва 1978 йил туғилган Н.Воҳидоваларни минг сўм пул эвазига ўз уйига ишқий муносабат учун киритганини ёки Олмалиқ шаҳрида яшовчи уй бекаси 1959 йил туғилган Галина Десконинг Муқимий кўчасида яшовчи И.Ҳусановни бегона аёл Л.Исмоилова билан ўз уйига қўйганини наҳотки қўшниси билмаган дейсиз.

Кимдир айтар, киритса ўзининг уйига киритган, бизникига эмаску, деб. Тўғри, ноинсоф кишилар нахс ишларга ўз кулбасини ҳадя этишмоқда, аммо улар бу билан Сизнинг уйингизга келадиган фаришталарнинг йўлига ғов қўйишаётганини унутманг!

Саҳифани Ш.РЎЗИЕВ тайёрлади.

Венгрияда бўлиб ўтган мусобақаларда иккинчи ўрин насиб қилганида, байроғимизнинг бошим узра кўтарилаётган пайтлари ҳеҳам хаёлимдан кетмайди.

ДИЛЛАРГА ШОДЛИК БАҒИШЛАБ...

Мамлакатимизда ўсиб келаётган баркамол авлоднинг соғлом турмуш тарзини яратиш, маънан ва жисмонан мукаммал шахс бўлиб етишиши учун уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Келажакда уларнинг буюк аждодларимиз Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангубердилардек мард ва жаҳон таниган паҳлавон бўлиб етишишлари учун уларнинг кўрсатган жасоратларию саҳоватпеша амалларини ҳар доим намуна қилиб эслатиб туришнинг ўзи камлик қилади. Бу эзгу ниятни амалга ошириш мақсадида Юртбошимиз мустақилликка эришган кунимизданоқ ёшлар тарбиясига асосий эътиборни қаратди ва барча ислоҳотларни уларнинг етук тарбияси доирасида олиб борди. Хусусан, мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги "Соғломжон-полвонжон", умумтаълим мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ва олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" спорт мусобақалари барча ёшдаги спортга ихлосманд авлодни ўзига жалб этиб турадиган мукаммал, узлуксиз спорт тизимига айланди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Ҳеч бир нарса мамлакатни дунёга спорт каби тез машҳур қила олмайди".

Жумладан, қишки таътил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "Умид ниҳоллари" спорт беллашувларининг 5-7-синф ўқувчилари ўртасидаги 3-босқичи оммавий ва кўтаринки тарзда бўлиб ўтди.

—Иккинчи бора ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ўтган йилгига қараганда байрамона руҳда ва юқори савияда ўтказилди. Чунки мусобақа ташкилотчилари, жойлардаги масъул мутасаддилар ҳам анча тажрибага эга бўлиб олишди,— дейди биз билан суҳбатда Халқ таълими вазирлигининг ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Т. Муҳитдинов. — Шаҳардаги ўтказилган беллашувлар жараёнида фарзандларининг қувончларига шерик бўлиш мақсадида келиб, томошабинлар қаторидан ўрин олган ўқитувчилар, ота-оналарни кўриб кўзимиз қувнаган эди. Афсуски, баъзи вилоятларда иштирокчиларни олқишлаб турувчи томошабин ўқувчиларнинг деярли йўқлигини ачинарли аҳвол деб баҳолаш лозим. Бу эса ўша жойлардаги халқ таълими бўлими мутасаддиларининг беллашувлар жараёнини тўғри ташкил қилмаганлигидадир. Энди жойларда бўлиб ўтган мусобақаларнинг якуний натижалари билан таништириб ўтсак.

Хусусан, Хоразм вилоятида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг 3-босқич финал беллашувларининг очилиш маросими 30 декабрь куни 1-махсуслаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ)да бўлиб ўтди ва спортнинг 12 тури бўйича 1661 нафар ўқувчилар иштирок этди. Мусобақани юқори савияда ўтказиш мақсадида Боғот тумани ўйингоҳи, 2-, 5-, 16-, 18-, 19-сонли мактабларнинг спорт заллари, Шовот туманидаги ўйингоҳ қайта таъмирдан чиқарилган. Спортнинг барча турлари натижаларига кўра, Урганч шаҳри жамоаси 120 очко тўплаб 1-ўринни қўлга киритдилар, янгиариқлик спорт ишқибозлари 112 очко билан иккинчиликни, Хива тумани жамоаси 110 очко йиғиб 3-ўринни эгалладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хоразм вилоятида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг мамлакат миқёсида финал босқичининг жаҳон талабларига жавоб берадиган юксак савияда ўтказилишига эришиш мақсадида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Куни кеча бу ерда ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг ташкилий қўмитаси мажлисида иштирокчиларга барча шароитларни муҳайё қилиш учун ҳар бир масъул кишиларга вазифалар белгилаб берилганлигининг ўзи бунинг яққол далилидир. Спортнинг қайси тури қаерда ўтказилиши, иштирокчиларнинг жойлашиш ўрни каби барча масалалар ҳозирданоқ ҳал этилиб қўйилди.

Яна бир янгилик. Бу йилги финал беллашувларида иштирок этадиган ҳар бир ўқувчига "Умид ниҳоллари—2003 қатнашчиси" номли сертификат берилади. Бу эса ўқувчиларнинг янада юксакликка интилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бухоро вилоятида 5-7-синфлар ўртасида ўтказилган 3-босқич мусобақалари шаҳардаги "Ёшлик" спорт мажмуасида бўлиб ўтди ва унда спортнинг барча турлари бўйича Бухоро шаҳри жамоаси ғолибликни, Ғиждувон тумани 2-ўринни, Шофиркон тумани жамоаси 3-ўринни эгалладилар. Буларнинг акси бўлган нохуш ҳолатни ҳам эътироф этган ҳолда Когон шаҳри ХТБ терма жамоасининг беллашувларга қатнашмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Навоий вилоятига келадиган бўлсак, 3-босқич якуний натижаларига кўра, Навбаҳор тумани жамоаси биринчиликни қўлга киритдилар. Иккинчи ўринни Кармана тумани жамоаси, Қизилтепа тумани жамоаси 3-ўринни эгалладилар. Шунингдек, бу ердаги мусобақаларда ҳам Томди туман ХТБ терма жамоаси 5-7-синфлар иштирокидаги 3-босқич мусобақаларига иштирок этмай қўяқолганлар. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлару тўрт мучаси соғлом, жисмонан ва маънан бақувват бўлган авлодни тарбиялашга қаратилган ҳаракатлар наҳотки ,Томди тумани ХТБ мутасаддиларига тегишли бўлмаса?

Қашқадарё вилоятида мазкур беллашувларга жами 2265 нафар ўқувчилар жалб этилди. Ширкат ва фермер хўжаликлари, Шўртангаз, Муборак газни қайта ишлаш заводлари бир ҳафта мобайнида иштирокчиларнинг мусобақаларга бехавотир бориб-келишларини таъминладилар. Қизғин беллашувлар натижаларига кўра 1-ўринни Қарши шаҳри жамоаси, 2-ўринни Китоб тумани жамоаси, 3-ўринни Муборак тумани жамоаси эгалладилар. Ғолибларга вилоят ХТББ ва ташкилотлар, ҳомийлар томонидан қимматбаҳо, эсдалик совғалари топширилди.

Андижон вилояти "Янбол" ўйингоҳида бўлиб ўтган 3-босқич мусобақаларида 2869 нафар ўқувчилар қатнашиб, ғолиблар диплом ва эсталик совғалари билан тақдирландилар.

Самарқанд вилоятида "Умид ниҳоллари" спорт беллашувларида жами 2416 нафар ўқувчи иштирок этди, ғолибларга ҳомий ташкилотлар ва ХТБнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган 3-босқич беллашувларининг очилиш маросими "Теннис мажмуаси"да бўлиб ўтди, лекин бу ердаги беллашувларда бошқа вилоятлардан фарқли ўлароқ иштирокчи жамоаларнинг камлиги боис оммавийлик, кўтаринкилик етишмади. Алпомишнинг ватани бўлмиш бу ерда мусобақа иштирокчиларининг жами 492 кишини ташкил этганлигидан мусобақани ўтказиш жараёнига совуққонлик билан ёндошилганлигига гувоҳ бўламиз. Шундай бўлса-да, эпчиллик билан ҳаракат қилган Денов, Сариосиё, Жарқўрғон туманлари жамоалари ғолибликка эришишга муваффақ бўлдилар. Қолган вилоятларда "Умид ниҳоллари"нинг 5-7-синфлар ўртасидаги 3-босқич беллашувлари қизғин тарзда, ўқувчи ёшларнинг дилларига қувончу шодлик бағишлаб якун топди. Ўйлаймизки, кейинги йилги вилоят мусобақаларида бу йил кузатилган баъзи вилоятлардаги аҳвол ўнгланади. Шундай қилиб, ғолиблар кейинги йил ўтказиладиган беллашувларга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Олдинда эса сизу бизни кўркам баҳорда кўҳна Хоразмда бўлиб ўтадиган мамлакат ёшларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари якуний босқичи кутмоқда!

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ҲАМ АҚЛАН, ҲАМ ЖИСМОНАН

Ёш спортчиларимиз эришаётган ҳар қандай ютуқ ва натижалар хурсандчилик билан кутиб олинаётганлиги бежизга эмас. Чунки, бу нарса эртанги буюк спортчилар тақдирига қаратилган рағбатнинг бир кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳали мактаб ёки лицейларда таълим олиш давридаёқ ҳам спортни, ҳам ўқишни, ҳам жамоат ишларини уддалаётган ўғлонларимизнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бораяпти. Айни ана шу гапларимизга мос тушадиган, келажакда жаҳон ареналарида юртимиз шарафини дадил ҳимоя қилишга бел боғлаган 16 ёшли, умидли спортчи Жавлон Ҳасановни машғулотлар залида учратиб, суҳбатга тортдик.

— 1-синфга борганимданоқ отам менга ўғил бола спорт билан шуғулланса, фақат фойда бўлади, деб тушунтира бошладилар. Кичкина бўлганлигим боис, мени "сен кучли бўлсанг, ҳеч кимдан қўрқмайсан, ҳамманинг сенга ҳаваси келади", дея қизиқтирардилар. Ахир мен прокурор бўлмоқчиман-ку, десам, отам, йигит киши қайси касб эгаси бўлишидан катъи назар, барибир, спорт билан шуғулланганлиги ҳар қачон асқотади, дея айтардилар. Хуллас, бошланғич синфдан спортга қизиқдим. Ва 1998 йилдан буён устозим Нурхон Нафасов ёрдамида каратэ-до билан шуғулланяпман.

— **Одатда спортчи қўлга киритган совринлари билан "мақтаниш"дан ийманади. Шунинг учун уларни журналист бирма-бир санайди. Лекин, ҳар бир эришган ғалаба минг машаққат эвазига келади-ку!..**

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Биринчи марта Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни олиб, кумуш медаль билан тақдирланганимда, кўзларимдан ёш чиқиб кетган. Кейинчалик ўз йўналишим бўйича Андижонда иккинчи, Қаршида биринчи ўринни эгаллаганимда, анча ўзимни тутишни ўрганиб олдим. Айниқса, Венгрияда бўлиб ўтган мусобақаларда иккинчи ўрин насиб қилганида, байроғимизнинг бошим узра кўтарилаётган пайтлари ҳеҳам хаёлимдан кетмайди.

— **Жавлон, ҳозирда рақобатга бардош бериб, биринчи бўлиш ҳамма соҳада қийин. Демоқчиманки, кўзга кўринган спорчи бўлиш учун фақатгина жисмоний бақувватлиликнинг ўзи етарлимикан?**

— Биласизми, кўпчилик спорт одамни чегаралаб қўяди, деб ҳисоблашади. Қайси томонданки, ҳар кунги машғулотлар, унга бир томонлама юк бўлади, ўқиш ва бошқа ишларни эплаш қийинроқ, дейишади. Лекин бу одамнинг ўзига боғлиқ. Ҳозир спортчилар ҳам интеллект жиҳатдан ҳеч кимдан кам бўлмасликлари керак. Шунинг учун мактабдан чиқдим дегунча, компьютер технологияларининг сир-асрорларини чуқурроқ ўрганиб, интернет тармоғидан спортга тегишли ахборотларни олиб, улар билан танишишга ҳаракат қиламан. Кечки пайтлар машғулотлардан чарчаб қайтсам-да, маънавий томондан оқсаб қолмаслигим учун бадиий китобларни варақлайман.

Насиба ЭРХОНОВА

Муҳтарама хоним
Доно Ҳусановна МИРАҲМЕДОВА!

Ўзбекистондаги Ҳиндистон маданияти маркази Сизни таваллуд топган кунингиз билан самимий қутлайди.

Сизга Л.Б.Шастри номли 24-мактабдаги сермашаққат, лекин шарафли ишингизда туганмас соғлиқ, бахт-саодат, зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Юртингиз тинч, ҳаётингиз фаровон бўлсин!

Ўзбекистондаги Ҳиндистон
Маданияти Маркази жамоаси

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 36-ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Абдалиева Зумрад Эламасовна номига берилган № 488256 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда механика-математика факультети жамоаси "Назарий ва тадбиқий механика" кафедраси доценти Шодибек Исановга онаси

Рисолат ая ИСАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

"Ma'rifat" газетаси жамоаси Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Аслиддин Болиевга волидаи муҳтарамаси

Зулайҳо БОЛИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ma'rifat" газетаси жамоаси Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимовга онаси

Хадича ая РУСТАМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

—Унда тайёрлан! —дебди ўтинчи. Кейин қўлини девнинг қорнига яқинлаштирибди. Қанча ҳаракат қилса ҳам қўли девнинг қорнига етмабди.

ДЕВ ВА ЎТИНЧИ

(Эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда бир ўтинчи бўлган экан. У ҳар куни ўрмондан ўтин териб, уларни сотиб, оиласини тебратаркан.

Бир куни ўтинчи ўрмонда ашула айтиб, ўтин йиғаётса, қандайдир соя унинг юзини тўсибди. Бошини кўтаргач, у: кун ботибди, кечгача ўтин терибман-да, — деб ўйлабди. Аммо не кўз билан кўрсинки, рўпарасида баҳайбат, соч-соқоли ўсган дев турган экан. Уни қўрқув қоплабди. Қандай қилиб девдан қутулишни ўйлабди. Дев дебди: — Эй одам боласи! Исминг нима?

Қўрқувдан ўтинчининг тили калимага келмай ҳатто ўз исмини эслай олмабди.

Дев дебди: —Сендан исмингни сўраяпман!

Ўтинчи бироз ўзига келгач, ўзини қўлга олиб, девни алдаб дебди: ——Менинг исмим Ўтган кун.

Дев шу пайтгача бундай исмни эшитмаган экан.Ўтинчининг нима деганини яхши тушунмай яна сўрабди. Ўтинчи яна ёлғон исмини такрорлабди.

Дев ўтинчининг сўзига ростакамига ишонибди.

Кейин унга қараб дебди: —Эй, Ўтган кун! Мен ёлғизликдан жуда сиқилиб кетдим. Ҳозир қорним тўқ. Қорним очгунича биров билан ўйнаб, ёзилсам деб ўйлаб юрибман. Сени учратганим яхши бўлди. Ҳозир бир ўқ билан икки нишонни урдим. Аввало сен билан қорним очгунича озгина ўйнайман. Кейин сени таом сифатида ейман.

Ўтинчи ҳам унинг таъзирини беришни ўйлабди: — Мен билан қандай ўйин ўйнамоқчисан? — деб сўрабди.

—Қитиқлаш ўйини!

—Бу қанақа ўйин?

Биз бир-биримизнинг қорнимизни қитиқлаймиз. Ким кечроқ ва кам кулса, у ғолиб бўлади. Қитиқлаганда одамнинг қорни жуда тез очади.

—Аммо сен одам эмассан-ку!

—Фарқи йўқ. Менинг ҳам одамга ўхшаб қорним бор ва овқат ейман.

—Унда тайёрлан! —дебди ўтинчи. Кейин қўлини девнинг қорнига яқинлаштирибди. Қанча ҳаракат қилса ҳам қўли девнинг қорнига етмабди.

—Қўлим қорнингга етмаяпти. Сен жуда баланд экансан. Озгина сабр қил. Мен бир дарахтни топиб, кесиб келай. Кейин у билан қорнингни қитиқлайман.

Дев рози бўлибди. Ўтинчи катта дарахтни танлаб, болта билан унинг ўртасини чопибди. Ўтинчи девдан қутулишнинг йўлини топгандай бўлибди. Девга қараб дебди:

— Нега менга тикилиб турибсан?

— Нима қил дейсан? — дебди дев.

—Бу ёққа келиб ёрдам бер. Ёриққа тиқилиб қолган болтамни олай!

— Нима қилиш керак?

— Бармоғингни дарахт ёриғига тиқиб, уни итариб тур. Қисилиб қолган болтамни чиқариб олай. У билан дарахтни уриб, иккига бўлиб ташлай. Агар ўйнамоқчи бўлсанг, тезроқ менга ёрдам бер.

Дев кўрсаткич бармоғини дарахт ёриғига тиқиб:

—Шу ҳам иш бўптими? — дебди.

Ўтинчи шундай бўлишини кутиб турган экан. У болтани дарахтдан тортиб олибди. Девнинг бармоғи ёриққа тиқилиб қолибди. Девнинг оҳ-фарёди осмонга кўтарилибди. Ўтинчи фурсатни ғанимат билиб, тез қоча бошлабди. Унинг ноласи бошқа девларнинг қулоғига етибди. Девлар дўстининг ҳолини билиш учун югуриб келишибди. Воқеанинг гувоҳи бўлишибди.

—Эй нодон! Шундай катта дарахтни битта кичкина бармоқ билан йиқитиб бўларканми?

—Сизларга ким битта бармоғим билан дарахтни ағдараман деб айтди? Бу ишни Ўтган кун қилди.

Улар таажубланиб сўрашибди: — Ўтган кундан шу пайтгача шу аҳволдамисан?

—Ўтган кун ҳозиргина шу ишни қилиб кетди.

—Бечора ақлдан озибди, — дейишибди девлар.

—Эй, қўрқоқлар! Нега томоша қилиб турибсизлар?Шошилинглар. Уни тезроқ ушлаб, ёнимга келтиринглар.

Дев ўтинчи қочган тарафни бошқа қўли билан кўрсатибди. Девлар уни девона деб ўйлашиб, ундан қутулиш баҳонасида у айтган тарафга югурибдилар. Аммо орқаларига қайтишмабди.

Форсийдан Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси

СЕНИ СОҒИНИБ

Ko'ngil bitiklari

Ёмғир эзиб ёғади, сим-сим,
Бу кун сира ёришмас кўнглим
Томчи янглиғ юрагим тилим,
Сени соғиниб.

Оғрир дилим яраси, оғир,
Ҳижроннинг ҳар зарраси оғир,
Жимжитликнинг давраси оғир,
Сени соғиниб.

Сенсизликка бўлмайди чидаб,
Хаёл қўймас Сен сари ундаб,
Бораётир сабрим ҳам тугаб,
Сени соғиниб.

Овунчоғим хотира фақат,
Шояд қилса, дея мурувват,
Тош қалбингга тиларман шафқат,
Сени соғиниб.

Мени бемор қилган муҳаббат
Бир кун Сени забт этиб албат,
Ҳузуримга келарсан йўқлаб,
Мени соғиниб...

Муножатхон КАРИМЖОН қизи, Олтиариқ тумани



Ватан манзаралари.

"МАШҲУРЛАР" КРОССВОРДИ



БЎЙИГА: 1. Машҳур рус адиби, "Лолита" асари муаллифи. 2. Машҳур ҳинд адиби ва жамоат арбоби, "Хонадон ва жаҳон", "Қўрғон" асарлари муаллифи. 3. Охирги халифа. 4. Машҳур рус рассоми, "Офтобда турган қиз" портрети муаллифи. 5. Икки байтдан иборат шеър. 6. Паймон. 7. Немис мумтоз фалсафаси асосчиси, "Инкорни инкор" қонуни муаллифи. 8. 1965 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган рус адиби. 12. Машҳур америкалик ёзувчи (1789-1851). 13. Рус ёзувчиси, "Ревизор" комедияси муаллифи. 17. Қуёш тутилишини астрономик усулда кашф қилган олим. 18. Суюқ таом. 21. 1998 йили "энг яхши ўйинчи" бўлган франциялик футболчи. 24. 1958 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган адиб, "Доктор Живаго" асари муаллифи. 26. Машҳур рассом, "Давид ва Саул" портрети муаллифи. 28. Буюк Рим нотиғи, "Бурчлар ҳақида" асари муаллифи. 29. "Фозил одамлар шаҳри" асари муаллифи. 31. "Ўқчиқ" асари муаллифи. 1964 йили Нобель мукофотини олган адиб. 33. Ноосфера тушунчасига асос солган олим. 35. Машҳур драматург, "Пигмалион" драмаси муаллифи. 36. "Манчестер Юнайтед" футбол жамоаси сардори. 41. Машҳур турк футболчиси. 48. "Помпейнинг охирги кунлари" портрети муаллифи. 49. Тассаввуф термини. 51. Машҳур инглиз шоири (1888-1965). 52. Қадимги Рим файласуфи. 57. "Барселона" футбол жамоасининг қисқартмаси. 58. Тўлқин орқали хабар бериш усулини кашф этган олим. 59. Электродинамика соҳасига катта ҳисса қўшган олимлардан бири. 60. Қадимги юнон драматурги, драматургия отаси. 64. Мустақиллик. 65. Хон саройининг ички қисми.

ЭНИГА: 9. Ўз-ўзини бошқариш органи. 10. Машҳур турк ҳикоянависи. 11. Машҳур фантаст ёзувчи, "Шоҳ олмосининг саргузашлари" асари муаллифи. 14. Радио кашфиётчиси. 15. Машҳур Кўқон хони. 16. "Святая Фока" кемасида шимолий қутбга саёҳат қилган денгизчи. 19. Инглиз давлат арбоби (1478-1535). 20. Немис химиги, академик. 22. "Рома"(Италия) жамоаси футболчиси. 23. Михаил Шолохов асари – "Тинч ...". 25. Публиций ... (Қадимги Рим шоири). 27. Етти юнон донишмандларидан бири, фалсафада Милет мактаби асосчиси. 30. Асл исми Машриқ Юнусов бўлган ўзбек адиби, 30-йиллар қатағони қурбони. 32. Қадимги юнон математиги. 34. "Илоҳий комедия" асари муаллифи. 37. Скандинавиялик олим ва саёҳатчи. 38. "Иллиада ва Одиссея" достонлари муаллифи. 39. Гугуртни кашф қилган олим. 40. Бошланиш. 42. Машҳур ҳинд актёри, "Сангам", "Дайди" фильмларида бош роль ижрочиси. 44. Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилган сулола. 46. Спиноза ... (нидерланд файласуфи). 47. Машҳур ҳинд сиёсий арбоби. 50. Жон ... (инглиз ҳажвий қаҳрамони). 53. Ўсимликларнинг ҳужайравий тузилишини ўрганган олим. 54. Италия терма жамоаси аъзоси (футбол). 55. ... борича, имкон қадар. 56. ...-сингил. 61. Ўзбекистон (Туркия ФК). 62. Машҳур рус қомусий олими. 63. Японияда шаҳар. 66. "Мадоннани чизаётган Авлиё Лука" портрети муаллифи. 67. Араб грамматикасига хос атама. 68. Қадимги юнон механиги, математиги.

Тузувчи:
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жўманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-28.
Тиражи 31 225. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(м) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00